

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 33М:31(575.1)

АХМЕДОВ АЗИЗБЕК МУРОДЖОН ЎҒЛИ

**Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини статистик
ўрганиш усуллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)**

5A231401 – “Статистика (иқтисодиёт)”

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: доц. Аюбжонов А.Х.

Тошкент – 2015 й.

Магистрлик диссертация иши “Статистика” кафедрасида дастлабки
ҳимоядан ўтган.

_____сонли баённома «_____»_____2015
й.

Илмий раҳбар:_____

_____	Ф.И.Ш.	имзо	сана
-------	--------	------	------

Магистр:_____

_____	Ф.И.Ш.	имзо	сана
-------	--------	------	------

«МУНДАРИЖА »

«КИРИШ».....	3
I боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ – СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ.....	11
«§1.1.» Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрни.....	11
«§1.2.» Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш усуллари.....	19
«§1.3.» Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги статистик ахборотлар базаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари.....	26
I боб бўйича хулоса.....	33
II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА ТАҲЛИЛИ.....	34
«§2.1.» Экспорт ва импорт кўрсаткичлари ва уларнинг статистик таҳлили.....	34
«§2.2.» Ташқи иқтисодий алоқаларда нарх кўрсаткичлари тизими ва уларнинг статистик таҳлили.....	45
«§2.3.» Ташқи иқтисодий алоқалар самрадорлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари.....	52
II боб бўйича хулоса.....	59
III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ СТАТИСТИК ПРОГНОЗЛАШ.....	62
«§3.1.» Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар динамикасининг статистик таҳлили.....	62
«§3.2.» Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	69
«§3.3.» Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари кўрсаткичларини статистик прогнозлаш.....	77
III боб бўйича хулоса.....	92
«ХУЛОСА ».....	93
«АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ».....	97

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ҳозирги интеграциялашув шароитида ҳеч бир мамлакат бошқа мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ўрнатмай, макроиқтисодий барқарорликни таъминлай олмайди. Бу эса мамлакатлардан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ дунёнинг кўпчилик мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни миқдор ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш энг асосий вазифа сифатида қаралди. Ўзбекистоннинг табиий ва меҳнат ресурсларига бойлиги ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги бу вазифаларни ҳал қилишни анча енгиллаштирмоқда. Бундан ташқари, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш, ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантиришни янги босқичга кўтариш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва уларни бошқаришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш ва шу орқали иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашувини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг бош мақсадидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун

Ўзбекистондан ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш, турли маъмурий ва иқтисодий тўсиқлардан воз кечиш талаб қилинади. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов шундай деган эди: “...ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор”¹.

Юқоридаги масалаларнинг ҳал қилиниши, энг аввало, мавжуд имкониятларни статистик баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини аниқ ишлаб чиқилган статистик прогнозлашга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу эса ташқи иқтисодий алоқаларнинг муваффақиятли тарзда амалга оширилиши ҳамда унинг истиқболларини аниқ белгилаш имконини беради ва кутилмаган муаммоларнинг олдини олади. Ушбу ҳолат мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқалар ва уни статистик таҳлил қилиш бўйича кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Булар қаторига қуйидаги олимларни киритиш мумкин: инглиз олимлари James E. Anderson, Пикер Н, Линдерт А.П, Россиялик олимлардан М.Г. Назарова, Р.А. Шмойлова, В.К. Ламокин, А.И. Евдакимов, В.М. Кудров, Н.А. Миклашевская, Пол Кругман, А.Н. Элянов, Ўзбекистонлик олимлардан, Б.Ю. Ходиев, А. Аюбжонов, А.Ш. Бекмурадов, М. Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, Ш. Жалолов, М.Р. Болтабоев, А. Алимов, Н. Сирожжидинов, А. Расулов, А. Раззаков ва Р. Маҳмудовлар бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 35-36 бетлар.

Қуйида баъзи олимларнинг ташқи иқтисодий алоқаларнинг назарий асосларини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари тўғрисида тўхталиб ўтамыз. Масалан, James E. Anderson, Бостон университетининг профессори ўз илмий ишларида ташқи иқтисодий алоқаларда қўлланиладиган тариф ва нотариф тўсиқлар тўғрисида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади²: «Саноатлашган мамлакатларда ташқи иқтисодий алоқалар тарифлари ўртача 170% га тенг. Бу рақам қуйидагича тақсимланади: 21% транспорт харажатлари, 44% божхона чегарасидаги харажатлар ва 55% чакана ва улгуржи савдо харажатлари. Натижада товарлар нархи ўртача 2,7 марта ошади: $1,21 \times 1,44 \times 1,55 = 2,7$ ». Шунинг учун у ташқи иқтисодий алоқалар тарифларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

Пол Кругман «Increasing returns, monopolistic competition and international trade», яъни «Ўсиб боровчи тушумлар, монополистик рақобат ва халқаро савдо» асарида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий хусусиятларини ёритиб беради. Унинг фикрича, «ташқи иқтисодий алоқалар фақат технология ва ишлаб чиқариш омилларидаги фарқ туфайли вужудга келмайди, балки у бозорларни кенгайтириш ва иқтисодиётдан тўлалигича фойдаланиш имкониятидир»³.

Мавзу бўйича қичқача адабиётлар тавсифи. Рус олими В.М. Кудров «Мировая экономика»⁴ асарида дунё мамлакатларининг иқтисодиёти ва уларнинг жаҳон бозорида тутган ўрнига алоҳида тўхталади. У ўз китобида ривожланган, ривожланаётган ва собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил қилади. Бундан ташқари П.Х. Линдерт «Экономика мирохозяйственных связей»⁵, яъни «Жаҳон хўжалик алоқалари иқтисодиёти» асарида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ташкил қилиниши, бошқарилиши ва тартибга солиниши борасида қимматли маълумотларни келтиради.

² James E. Anderson ва Eric van Wincoop. Savdo tariflari.-Boston College, 2004. 3-bet.

³ Krugman Paul. Increasing returns, monopolistic competition and international trade.523-532 бетлар

⁴ В.М. Кудров. Мировая экономика. Учебник. –М. Юстицинформ, 2009 йил. 184-244 бетлар.

⁵ П. Х.Линдерт. Экономика мирохозяйственных связей. Монография. - М. : Прогресс, 1992. - 520 б.

Ўзбекистонлик олимлар асарларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий механизмлари, унинг узлуксиз ва самарали амалга ошишига хизмат қилувчи омиллар етарлича тадқиқ этилган. Булар қаторига М. Шарифхўжаев, А. Аюбжонов, А. Ўлмасов ва бошқа иқтисодчи олимларни қўшиш мумкин. Улар ўз асарларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг назарий асослари билан бир қаторда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам тўхталганлар.

А. Аюбжонов, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг доценти, ўзининг кўплаб илмий тадқиқотларида ташқи иқтисодий алоқаларни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб, унинг миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги ўрнига алоҳида тўхталади. А. Аюбжонов ташқи иқтисодий алоқаларни таҳлил қилиб, уни статистик ўрганишнинг аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: «Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўналишларидан бири, ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) оптималлаштириш (муқобиллаштириш) ҳисобланади. ТИФни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлатнинг муҳим стратегияларидан биридир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ўзига хос ички ва ташқи иқтисодий ҳолатини ўрганиш, у ҳақида етарлича маълумот олиш, шу асосда мамлакатни жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришлардан сақлашни тақозо этади. Ташқи иқтисодий алоқалар (ТИА)ни тартибга солиш, унинг истиқболини белгилашда статистиканинг аҳамияти катта. Зеро, ишончли маълумот ва таҳлил мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий стратегиясидир»⁶.

М. Шарифхўжаев бир қатор иқтисодчи олимлар билан бирга ташқи иқтисодий алоқаларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятини ёритиб берган. Ушбу олим ташқи иқтисодий алоқаларда содир бўлган таркибий ўзгаришларни қуйидагича талқин этади: XXI асрда халқаро иқтисодий муносабатларда қуйидаги тўртта таркибий ўзгариш кузатилди:

⁶ Аюбжонов А.Х. Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2007, 180 бет.

1) иқтисодиёти хом-ашё экспорт қилишга асосланган ва саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги алоқалардаги ўзгаришлар. Кўпгина хом-ашё етказиб берувчи мамлакатлар махсус уюшмаларга бирлашди;

2) саноати ривожланган мамлакатларда қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўтиш;

3) жаҳон иқтисодиётида халқаро капитал ҳаракати сезиларли даражада ўсди;

4) трансмиллий корпорацияларни ташкил қилиш амалиётининг ривожланиши⁷.

Аммо бу тадқиқотларда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш омилларини белгилашда статистик таҳлил қилиш методларидан фойдаланиш тамойили ва усуллари, уларни шакллантириш ва ривожлантириш йўллари етарлича ўрганилмаган. Бу эса ушбу йўналишда илмий тадқиқот мавзусини танлаш имконини белгилаб берди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишнинг асосий усул ва тамойилларини ёритиш, уни такомиллантириш йўналишларини аниқлаш ҳамда келгуси давр учун статистик прогнозлашга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация ишининг асосий вазифалари қуйидагилар:

- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини статистик ўрганишнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни самарали ташкил қилиш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни миллий иқтисодиётга жорий қилиш имкониятларини баҳолаш;
- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг статистик маълумотлар

⁷ Халқаро иқтисодий муносабатлар М.Шарифхўжаев таҳрири остида. Ўқув қўлланма.– Т.: ТМИ, 2003, 304 бет.

базасини тадқиқ қилиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ифодаловчи асосий статистик кўрсаткичларни таснифлаш ва ҳисоблаш усуллари билан танишиш;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг динамикаси ва таркибини статистик таҳлил қилиш ва истиқболларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини статистик ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- мавжуд маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг келажакдаги ҳолати учун прогнозлашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди.

Тадқиқот предмети. Тадқиқот предмети бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболларини статистик баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг қисқача тавсифи. Диссертацияни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, халқаро классик ва ҳозирги замон иқтисодиёт назариялари, халқаро савдо ривожланишининг асосий қонун-қоидалари, халқаро савдо фаолиятга бағишланган махсус илмий асарлар, махсус йўриқнома ва кўрсатмалар, статистик кузатиш, гурухлаш, динамик каторларни таҳлил қилиш, индекслар, корреляцион-регрессион таҳлил ҳамда прогнозлаш методлари ташкил этади.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилар ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини статистик ўрганишнинг

аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар статистик таҳлил қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишлари статистик таҳлил қилинди ва уни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг 2020 йилгача бўлган ҳолатини прогнозлаш амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, Республика экспорт-импорт сиёсатини амалга ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсадига йўналтирилган стратегик йўналишларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган ва 99 бетда баён этилган.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси Тадқиқот мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида ташқи иқтисодий алоқаларнинг мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ўрни, ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар бўйича статистик ахборотлар базаси кўриб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар: экспорт ва импорт кўрсаткичлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг нарх кўрсаткичлари ҳамда унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи бобида ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақиллик йилларидаги динамикаси, уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган ҳамда статистик методлар ёрдамида унинг 2020 йилгача бўлган ҳолати прогноз қилинган.

Диссертациянинг хулоса қисмида ишнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда хулоса ва тавсиялар берилган.

Ишнинг асосий мазмунининг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертация ишининг асосий мазмуни илмий-амалий конференцияларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган. Жумладан, Тошкент Молия институтида ўтказилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини статистик услублар орқали баҳолаш ва прогнозлаш” номли илмий-амалий конференция

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигининг статистик кўрсаткичларини таҳлил этишнинг соф статистик жиҳатдан муаммо ва масалалари ўрганилмаган ва ҳал қилинмаган. Айнан шу ҳолат Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигининг статистик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг статистик жабҳадаги илмий методологик асосларини Тадқиқот мавзуси сифатида танлашни тақозо этди.

I бoб ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ – СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ

«§1.1.» Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ўрни

Ташқи иқтисодий алоқаларни (ТИА) тартибга солиш, унинг истиқболини белгилашда статистиканинг аҳамияти катта. Зеро, ишончли маълумот ва таҳлил мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий стратегиясидир. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси статистиканинг ажралмас қисми бўлиб, тармоқ статистикаси ҳисобланади. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикасида гап товар ва хизматлар экспорти, импорти, халқаро молия муносабатлари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ шартномавий операциялар ҳақида боради. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни (ТИФ) оптималлаштириш (муқобиллаштириш) ҳисобланади. ТИФни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлатнинг муҳим стратегияларидан биридир. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатни ўзига хос ички ва ташқи иқтисодий ҳолатини ўрганиш, у ҳақида етарлича статистик маълумот олиш, шу асосда мамлакатни жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришлар оқибатидан сақлаш лозимлигини тақозо этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар экспорт ва импорт операцияларини ўз ичига олади. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат моддий ресурслари камайиши ёки ортишига тегишли товар массалари, хизматлар оқимининг божхона орқали олиб ўтилишини ифодалайди. Статистика ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда фақатгина божхона орқали қонуний равишда олиб ўтиладиган товар ва хизматлар оқимини ҳисобга олади.

Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси икки характерни ўзида мужассамлаштиради: статистика фақатгина божхона чегараларини кесиб ўтаётган товар ва хизматларни ҳисобга олади; статистика чегарани кесиб ўтувчи ҳар қандай товар ва хизматни, у хоҳ тижорат асосида, хоҳ

нотижорат мақсадида ўтишидан қатъий назар, қийматини ҳисобга олади, яъни мамлакат томонидан олинган ҳар қандай иқтисодий ёрдам импорт сифатида, иқтисодий ёрдам сифатида берилган товарлар эса экспорт сифатида қайд этилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби ташқи иқтисодий алоқаларнинг натижалари бевосита мамлакат ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) акс этади. Унинг ЯИМдаги улуши ортиб борган сари мамлакат иқтисодий ўсишида ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириб, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Шундай экан, ҳар қандай мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва шу орқали миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Мустақилликка эришгач, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар ва имконият туғилди. Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос тизимини шакллантириш, савдо алоқаларини йўлга қўйиш борасида қоида ва тамойилларни ишлаб чиқиш жаҳон мамлакатлари билан ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий омилига айланди. Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш асосий мақсад қилиб белгиланди ва бу мақсадга эришиш учун зарурий шароитларни яратиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Энг аввало, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, қонуний-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, экспорт билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизми яратилди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш уч босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич (1991-1995 йиллар) -

мустақилликнинг дастлабки йилларига тўғри келиб, у пайтда ишлаб чиқариш суръатларининг салбийлигини ҳисобга олган ҳолда асосий эътибор ички бозорни четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўйинтиришга қаратилди.

Иккинчи босқичда (1996-2000 йиллар) ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш асосий вазифа қилиб белгиланди. Бунда асосан халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга асосий урғу берилди.

Учинчи босқичда (2001 йилдан ҳозирги давргача) ишлаб чиқариш анча такомиллашган давр бўлиб, энди нафақат импорт ўрнини босувчи товарлар, балки экспорт учун товарлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш бош вазифа қилиб белгиланди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асоси очиқ иқтисодиётни вужудга келтиришдир. Бугунги кунда мамлакатимиз тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо. Масалан, БМТнинг иқтисодий муассасалари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тикланиш ва тараққиёт банки, МДХнинг минтақавий иқтисодий ташкилоти ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)да 2005 йилнинг октябрь⁸ ойида кузатувчи мақомини олди. Агар республикаимиз бу ташкилотга ҳақиқий аъзо бўлиб қўшилса, унинг иштирокчилари бўлган 153⁹ та мамлакат билан савдо-сотик қилиш учун янги имконият ва имтиёзларга эга бўлади.

Мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали республикаимизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро савдода ўз ўрнини эгаллаши учун иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга

⁸ www.mfer.uz

⁹ www.wto.org

маълумотларидан фойдаланилди.

маълумотлари асосида тайёрланди.

мўлжалланган маҳсулотлар ассортименти ва ҳажмини кенгайтириш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

XIX асрда Ғарб мамлакатларида йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши халқаро савдони сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққан эди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш кўламининг янада кенгайиши ва мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг жадаллашувига сабаб бўлди. Жаҳон ҳўжалиги тизимида рўй берган бундай ўзгаришлар оқибатида бир томондан, ташқи иқтисодий алоқалар иқтисодий ўсишнинг муҳим омилига айланиб қолган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатларнинг халқаро товар айирбошлашга бўлган боғлиқлик даражаси янада ортди.

Шундан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсирини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши бевосита мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишига сабаб бўлади, чунки ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси ЯИМ таркибига киритилади;

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ижобий сальдоси натижасида мамлакатнинг валюта захиралари шаклланади ва кўпаяди;

- ташқи иқтисодий алоқалар туфайли мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган товар ва хизматлар мамлакатга келтирилади. Бу эса аҳоли фаровонлигини оширади;

- ташқи иқтисодий алоқалар мамлакатлар ўртасида техника ва технологиялар алмашинувига сабаб бўлиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келади;

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг тез суръатларда боришини таъминлайди ва ҳ.к.

Юқоридаги фикрларни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2014 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни

амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. 2014 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4%га кўпайди ва 15027,4 млн АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар кўп деганидир. Ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг ижобий сальдоси 4 млрд. 500 млн. АҚШ долларида ошди¹⁰.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар муносабатлари масаласида дунёнинг кўплаб давлатлари билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикамизнинг Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга яқинлиги, чегарадошлиги, Европа ва Осиё мамлакатлари савдо йўлида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида экспортга ихтисослашган қўшма корхоналарни ташил этиш, эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш негизида ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади. Республикамиз қадимий “Буюк Ипак йўли”да жойлашганлиги сабабли у Европа ва Осиё ўртасида иқтисодий ва маданий “кўприк” вазифасини ўташи мумкин. Ана шундай кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар, ишчи кучининг ҳаракат қилиши ва айирбошланиши учун қулай шарт-шароит яратилиши мумкин. Бу мақсадларга эришишнинг яна бир йўли - ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига кўмаклашувчи самарали бозор инфратузилмасини яратишдир. Бу ўз ичига транспорт ва алоқа, суғурта ва молиявий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришни қамраб олади. Бу бир томондан ташқи иқтисодий алоқалар харажатларини камайтириб, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилса, иккинчидан ундан олинадиган даромаднинг ошишига олиб келади. Бу жараёнда банклар ва бошқа пул

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи. Тошкент. 24.01.2015.

муассасалари ташқи иқтисодий алоқаларнинг молиявий манбалар билан таъминлаш вазифасини бажарса, суғурта ташкилотлари ташқи иқтисодий фаолиятда содир бўлиши мумкин бўлган ҳавф-хатарлардан ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиларини ҳимоя қилади. Транспорт тизими эса денгиз, қуруқлик ва ҳаво йўллари орқали ташқи иқтисодий алоқалар операцияларининг самарали ва қулай амалга оширилишини кафолатлайди.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий натижалари келтирилган.

1.1.1-жадвал

2014 йил январь-декабрь ойларидаги Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари¹¹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Январь-декабрь	Ўтган йилнинг январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси:	млн. АҚШ долл	28003,0	99,1
МДҲ мамлакатлари	млн. АҚШ долл	12460,7	104,5
бошқа мамлакатлар	млн. АҚШ долл	15542,3	95,1
Экспорт:	млн. АҚШ долл	14089,8	98,4
МДҲ мамлакатлари	млн. АҚШ долл	7138,2	107,4
бошқа мамлакатлар	млн. АҚШ долл	6951,6	90,5
Импорт:	млн. АҚШ долл	13913,2	99,8
МДҲ мамлакатлари	млн. АҚШ долл	5322,5	100,9
бошқа мамлакатлар	млн. АҚШ долл	8590,7	99,1
Сальдо:	млн. АҚШ долл	176,6	х
МДҲ мамлакатлари	млн. АҚШ долл	1815,7	х
бошқа мамлакатлар	млн. АҚШ долл	-1639,1	х
Ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг структураси:		100	

¹¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг 2014 йил якунлари тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланилди.

МДХ мамлакатлари	%	46,96	x
бошқа мамлакатлар	%	53,04	x

Юқоридаги рақамлар ва жадвал маълумотлари ташқи иқтисодий алоқаларнинг миллий иқтисодиётимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги интеграциялашув шароитида ҳеч бир мамлакат ўз қобиғига ўралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Бунда ҳар бир мамлакат дунёнинг бошқа мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларга киришади. Шундан келиб чиқиб, мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларини статистик ўрганишда, аввало, унинг бошқа мамлакатлар билан алоқалари динамикаси ва таркиби таҳлил қилиниб, ушбу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларига баҳо берилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси юқорида айтиб ўтилганидек, статистиканинг бир соҳаси сифатида мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг миқдор ва сифат томонларини узвий боғлиқликда ўрганади ва хулосалар беради. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси мамлакатларнинг қуйидаги хусусиятларига баҳо беради:

- мамлакатнинг очиклик даражаси;
- мамлакат экспортининг мутлақ ва нисбий ўзгариши ҳамда унинг мамлакат ЯИМдаги улуши;
- мамлакат импортининг мутлақ ва нисбий ўзгариши ҳамда унинг мамлакат ЯИМдаги улуши;
- мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг самарадорлиги;
- мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг омиллар ҳисобига ўзгариши.

Юқоридаги кўрсаткичларни ҳисоблаш қоидалари ва қўлланиш йўналишлари ҳақида диссертациянинг кейинги бобларида маълумот берилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош омилларидан

биридир. Қайси мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари ижобий сальдога эга бўлса, ушбу мамлакат иқтисодий ўсишнинг юқори имкониятларига эга бўлади. Лекин ташқи иқтисодий алоқаларнинг ижобий томонлари билан бир қаторда унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Агар мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари узоқ йиллар мобайнида манфий сальдога эга бўлса, бу мамлакатнинг ташқи қарзлари миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишнинг пасайиши ва макроиқтисодий барқарорликнинг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил қилишда аниқ ҳисобланган статистик методларга суяниш лозим.

«§1.2.» Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш усуллари

Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг асосий вазифалари иқтисодий тартибга солиш механизмлари орқали амалга оширилади. Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш деганда давлат органларининг иқтисодий характерга эга турли шакл ва усуллар ёрдамида ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятига аралашуви тушунилади.

Халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнларида ҳар бир давлат ташқи иқтисодий алоқаларга аралашушга ҳаракат қилади. Бу иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий мақсадлардан келиб чиқади. Иқтисодий мақсад - мамлакат валюта захираларини ошириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўлса, сиёсий мақсад - мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни мустаҳкамлаш, ижтимоий мақсад эса - аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва уни муттасил ошириб боришдан иборат бўлади. Ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти доирасидаги давлатнинг асосий вазифаси экспорт ва импортни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва тартибга солишдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солишда асосан икки хил усулдан фойдаланилади:

1. Тариф усуллари.
2. Нотариф усуллар.

Тариф усуллари - бевосита товарнинг нархига бевосита таъсир қилувчи омиллар орқали амалга оширилади. Буларга божхона божлари ва божхона квоталарини киритиш мумкин.

Божхона божлари - маҳсулотнинг бир бирлиги миқдорида давлат томонидан белгиланган махсус бож тўловларидир. Тўловлар маҳсулот нархининг маълум фоизи миқдорида белгиланади. Божхона божлари қатъий белгиланган (fixed) ва ўзгарувчан турларга бўлинади. Қатъий белгиланган бож миқдори қатъий белгиланади (масалан маҳсулот

ҳажмининг 10 фоизи). Ўзгарувчан божлар эса маҳсулот ҳажми ва унинг таркибига кўра ўзгаради.

Божхона божи солиқ функциясини бажаради ва у минглаб импорт ва экспорт қилинаётган товарларнинг нарҳини ошириб, ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси тузилмаси ва ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади.

Божхона квоталари- товарларнинг маълум турларига миқдорий чеклашлар бўлиб, давлат божхона органлари томонидан белгиланган миқдордан кўп товар киритилган ҳолатларда қўлланилади. Савдо келишувлари ва алоқалари йўқ бўлган мамлакатлардан келган товарларга рухсат этилган миқдор паст белгиланиб, квоталар сони кўп бўлади. Аксинча, савдо келишувлари ва алоқаларга эга давлатлар ўртасида минимал квоталар сони қўлланилади ва бу маҳсулот киритаётган давлат учун кулай шароит яратилишини таъминлайди.

Божхона квоталари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Экспорт квоталари.
2. Импорт квоталари.
3. Эмбарго.

Импортга қўйилган квота – импортни миқдоран чеклашга қаратилган квотадир.

Экспортга қўйилган квота – экспортни миқдоран чеклайди ва давлатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нарҳини ички бозорда паст даражада ушлаб туриш имконини беради.

Эмбарго – квоталашнинг махсус усули бўлиб, бунда савдо қилиш таъқиқланади. Эмбарго маълум товарнинг импорти ёки экспортига қўйилиши мумкин. Бу асосан аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи, миллий анъана ва маънавиятга раҳна солувчи ҳамда миллий ҳавфсизлик ва тинчликни бузилишига сабаб бўлувчи товарлар учун қўлланилади. Бундай товарларга наркотик моддалар, турли миллий анъаналарга зид кассета ва дисклар, қуроллар ва хоказоларни киритиш

мумкин. Бундан ташқари мамлакатлар ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар туфайли ҳам эмбарго ўрнатилиши мумкин.

Нотариф усуллар. Нотариф усуллар билвосита ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади. Бу каби усулларга лицензиялаш, минимал ёки максимал нархларни белгилаш, товарнинг техник стандартлари ва меъёрларини белгилаш, санитар ва ветеринар меъёрларни белгилаш, қадоқланган товарга талаблар, маркировкалаш каби иқтисодий сиёсат инструментларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тариф ва нотариф усуллар ташқи иқтисодий алоқаларда давлат назоратининг асосий воситаси бўлиб, давлат унинг ёрдамида миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

Қуйидаги жадвалда ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солишнинг тариф ва нотариф усуллари умумлаштириб кўрсатилган.

1.2.1-жадвал

Ташқи иқтисодий алоқалар сиёсати омилларининг туркумланиши¹²

Усуллар		Савдо сиёсати омиллари
Тариф		Божхона божлари Божхона квоталари
Нотариф	Миқдорий	Квоталаш Лицензиялаш Ихтиёрий чеклашлар
	Яширин	Давлат харидлари Маҳаллий компонентлар Таъминлашни талаб қилиш Техник тўсиқлар Солиқ ва йиғимлар
	Молиявий	Субсидиялар Кредитлаш Демпинг

¹² Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан назорат қилишнинг энг кенг тарқалган усули **тариф усули** бўлиб, у давлат чегарасидан ўтаётган маҳсулотларга давлат солиғини солишни англатади. Агар бу солиқ маҳсулот олиб чиқиладиган давлат томонидан солинса, экспорт солиғи (export tariff), агар бу олиб ўтиладиган мамлакат томонидан солинса, бу транзит солиғи (transit tariff), агар олиб кириладиган давлат томонидан солинса, импорт солиғи (import tariff) деб юритилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар мутаносиблигининг шарти¹³ давлат экспорти ва импорти орасидаги фарқдир. Барча мамлакатлардаги ташқи иқтисодий алоқаларда экспортнинг импортдан кўп бўлишини таъминлашга ҳаракат қиланади. Бу мувозанатни таъминлаш лозимлиги ҳам давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятига аралашувининг асосий сабабларидан биридир. Бу аралашуш эса юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Давлат томонидан импортга тўсиқлар қўйилишидан мақсад четдан олиб келинадиган маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқарилишини йўлга қўйишдан иборат. Бу импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсати деб юритилади. Ўзбекистонда ушбу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири маҳаллийлаштириш дастури ҳисобланади. Ушбу дастур 2000 йилдан бери амалга ошириб келинмоқда. Унинг асосий мақсади асосий ишлаб чиқариш корхоналарини бутловчи қисмлар билан, ички бозорни эса миллий маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат. Кейинги йилларда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятида ҳам маҳаллийлаштириш дастурининг ролини оширишга қаратилган бир қатор чора - тадбирлар амалга оширилди. Улардан бири 2011 йил 29 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2013 йилларда саноат корпорацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада

¹³ Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹⁴ги ПҚ-1590 - сонли қарорига асосан маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланди. Унга кўра маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар қуйидагилардан озод қилинади:

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан тўланадиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови;
- маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий фондлар учун мол-мулк солиғи;
- маҳаллийлаштирилган товарлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари учун божхона тўловлари.

Бунинг натижасида 2014 йилнинг 9 ойида 1074 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 6,2 трлн сўмлик ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 25,2% кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 957 турдаги янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича иқтисодий самара 3,3 млрд. долларни ташкил этди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий улушида экспорт маҳсулотлари улуши ўтган йилнинг шу давридаги 23,9 % дан 25,3 % га кўпайди¹⁵.

Маълумки, бирор - бир давлат ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ўз манфаатларини кўзлаб иш тутса, албатта бошқа давлатлар томонидан бунга қарши жавоб чора-тадбирлари амалга оширилади. Шунинг учун савдо масалаларини амалга ошириш воситаларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш усулини танлашда аниқ таҳлилларга асосланиши лозим.

Давлат томонидан амалга оширилаётган ташқи иқтисодий алоқалар сиёсати мамлакатнинг ташқи дунёга очиклик даражасини белгилайди. Бу

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 20(520)-сон, 224-модда. 2012 йил.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари. 2014 йил 3-ноябрь.

энг аввало, ўрнатилган божхона божлари ставкаси билан боғлиқ. Қуйида божхона божи ва мамлакатнинг очиклик даражаси ўртасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз. Бу маълумотлар кўплаб олимларнинг статистик таҳлиллари наижасида олинган бўлиб, мамлакатлар учун ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини белгилашда муҳим кўрсатма ҳисобланади. Мамлакат ташқи дунё билан алоқаларининг ривожланганлик даражаси иқтисодиётининг очиклик даражаси билан баҳоланади. Очиклик даражаси ва божхона божлари орасида тескари алоқа мавжуд бўлиб, божларнинг ошиши мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаларида тўсиқлар мавжудлигини кўрсатади. Бу муносабатни қуйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин.

1.2.3-жадвал

Божхона божлари ва мамлакатнинг очиклик даражаси орасидаги боғланиш¹⁶

Божхона божи ставкаси(%)	70-100	25-70	10-25	10	0
Очиклик даражаси	Таъқиқ- ланган	Чеклан- ган	Мўътадил	Очик	Эркин

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишдан асосий мақсади қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш натижасида вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш бир мунча рақобатбардош бўла бошлайди. Бу эса ишлаб чиқариш миқдорининг оптимал ҳажмига эришиш ва ишчи - хизматчилар малакасининг ошириш ҳисобига амалга ошади. Маълумки, янги ташкил этилган корхонанинг (тармоқ) ишлаб чиқариш харажатлари катта бўлади. Бу эса унинг рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришига тўсқинлик

¹⁶ Ho'jayev F.E., Aliyev A.A., Alimbekova K.K. Bojxona ishi. O'quv qo'llanma.-T.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, 103-6et

қилади. Йилдан - йилга ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши натижасида харажатлар камайиб, маҳсулотнинг сифати ортиб боради.

2. Давлат экспортини рағбатлантириш ва импортни чеклаш, яъни протекционизм сиёсати орқали мамлакат валюта захираларининг кўпайишига эришиши мумкин. Бу мамлакат миллий иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш имконини беради. Шундай қилиб, давлат ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишда тариф ва нотариф усулларида самарали фойдаланиш ва улар ўртасидаги маълум нисбатни сақлаш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаши мумкин.

«§1.3.» Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги статистик ахборотлар базаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари

Маълумки, ҳар қандай статистик Тадқиқотнинг самарадорлиги ва ишончилиги ундаги кўрсаткичларнинг қандай маълумотлар базасидан олинганига боғлиқ бўлади. Шундай экан, бошқа соҳалар каби ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам статистик таҳлил қилишда маълумотлар базаси муҳим роль ўйнайди. Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳолис ва ишончли бўлиши биринчидан, статистик таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминласа, иккинчидан ушбу иқтисодий жараённинг келажақдаги ҳолатини прогнозлашда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш имконини берувчи кўплаб статистик тўпламлар нашр қилинмоқда. Бундан ташқари кўплаб халқаро ташкилотлар дунёнинг барча мамлакатлари бўйича статистик тўпламларни нашр қилмоқдаки, улар барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини, шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Шундан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базасининг манбаларини миллий иқтисодиёт ва халқаро даражадаги манбаларга бўлиш мумкин. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари (экспорт, импорт ва бошқа операциялар) тўғрисидаги маълумотлар Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси томонидан берилади.

Халқаро даражада мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисидаги манбалар турли халқаро ташкилотларнинг статистик тўпламларида ўз аксини топади. Бундай ташкилотлар гуруҳига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Жаҳон Банки (ЖБ), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон Савдо Ташкилотини киритиш мумкин. Бу ташкилотлар томонидан берилган статистик маълумотлар расмий халқаро ахборот статусига эга бўлиб, улардан статистик таҳлилларда бемалол фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базаси тўғрисида гапиришдан олдин баъзи ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз. Масалан, Германия Федератив Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар тенденциялари ва динамикаси тўғрисидаги маълумотлар базасини Федерал Статистика бошқармаси (ФСБ)нинг маълумотлари ташкил этади. Ушбу нашрнинг умумий номи “Ташқи иқтисодий алоқалар”¹⁷ деб номланади. Германияда статистик ахборотлар истеъмолчилари ушбу маълумотларни ахборот олишнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда, ФСБнинг ахборот линияларига уланиб, буюртмалар бериш орқали ҳам олишлари мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича статистик маълумотларда экспорт FOB (free on board) баҳоларида, импорт эса CIF(cost, insurance and freight) баҳоларида кўрсатилади.

Буюк Британияда ташқи иқтисодий алоқалар бўйича маълумотлар Қироллик Статистика Бошқармаси томонидан берилади. Ушбу мамлакатда статистик маълумотлар умумий ва махсус тарзда чоп қилинади. Умумий статистик нашрлар йиллик ва ойлик характерга эга. Уларнинг номлари эса “Йиллик статистик маълумотлар (Annual Abstract of Statistics)” ва “Ойлик статистик ҳисобот (Monthly Digest of Statistics)”¹⁸ деб аталади.

Махсус ташқи иқтисодий алоқалар ҳисоботлари эса муайян соҳа ёки тармоқ бўйича ташқи иқтисодий алоқалар статистикасини ёритиб беради. Буларга “Annual Statement of the Overseas Trade of the United Kingdom” (“Қўшма Қиролликнинг денгиздаги савдосининг йиллик ҳисоботи”)ни мисол қилиш мумкин.

Америка Қўшма Штатларида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базасини Савдо Вазирлиги Статистика Бюросининг статистик тўпламлари ташкил этади. Бу ташкилот барча ташқи иқтисодий фаолият бўйича статистик маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Унинг нашрларида товар ва хизматлар экспорти ва

¹⁷ А.Ф.Мухин. Источники статистической информации о внешней торговле зарубежных стран и международных организаций. Учебное пособие.М. 1993. 2-5 бетлар.

¹⁸ Ўша манба. 7-8 бетлар.

импорти бўйича барча маълумотлар ўз аксини топади.

Қуйидаги манбалар Америка ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий маълумот манбалари ҳисобланади:

FT (Foreign Trade) 135¹⁹. “U. S. General Imports and Imports for Consumption Schedule Commodity by Country” – АҚШ импортининг товар ва ҳудудий таркибини ифодаловчи статистик тўплам;

FT 410 - Америка экспорти ва реэкспорти таркибини акс эттирувчи маълумотлар тўплами.

FT 990²⁰ - АҚШ ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий якунлари ва аналитик кўрсаткичлари акс эттирилувчи йиллик тўпландир.

Дунё барча мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумотлар Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) томонидан чоп этиладиган халқаро нашр International Financial Statistics (Халқаро Молия Статистикаси) дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ўзида акс эттиради. Унинг ташқи иқтисодий алоқалар бўлимида ҳар бир мамлакатнинг ташқи савдоси, яъни экспорт ва импорти ўз миллий валютасида кўрсатилади. Мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари таққосланаётганда эса алмашув курси орқали барча мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалар натижалари бир хил валютага(масалан АҚШ доллари) келтирилади.

БМТ қошидаги Статистика Комиссияси ва Статистика Бюроси ҳам мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумотларнинг асосий базаси ҳисобланади. Ушбу ташкилот ЖСТ билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий алоқаларни ҳисобга олиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари билан шуғулланади. Унинг асосий нашри International Trade Statistics Yearbook²¹ ҳисобланади.

Бундан ташқари МДХ мамлакатларининг ташқи иқтисодий

¹⁹ Ўша манба, 10-13 бетлар.

²⁰ А.Ф.Мухин. Источники статистической информации о внешней торговле зарубежных стран и международных организаций. Учебное пособие. М. 1993. 10-13 бетлар.

²¹ Ўша манба, 21-22 бетлар.

алоқалари натижалари унинг статистик йилномаларида берилади.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (OECD) ташқи иқтисодий алоқалар натижалари бўйича йиллик ва ойлик ҳисоботлар чоп этади. Унинг ҳисоботлари қуйидаги уч серияда чиқарилади:

биринчи серия (А серия)-бу ойлик статистик нашр бўлиб, унда ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўп томонлама таҳлили амалга оширилади;

иккинчи серия (Б серия)да ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этадиган барча товарлар ва алоҳида товар гуруҳлари савдосининг географик тақсимооти ва йўналишлари тўғрисида маълумотлар берилади;

учинчи серия (С серия) ҳар бир товар гуруҳи бўйича ҳар бир мамлакатнинг улуши тўғрисида маълумот берилади. Унда “товар-давлат” принциpidан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий базаси Давлат Божхона қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари маълумотлари асосида шаклланади. Ушбу ташкилотлар турли ҳисобот шакллари ва декларациялар орқали ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ва уларнинг иқтисодий фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси мамлакат чегараларини кесиб ўтувчи барча товар ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади. Бу ҳисоб-китоблар божхона декларациялари асосида тўпланади ва статистика органларига жўнатилади. Статистика органлари эса уларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари бўйича умумий хулосалар беради ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараларини кесиб ўтувчи товар ва хизматлар бўйича барча маълумотлар “Божхона юк декларацияси”да (БЮД) ўз аксини топади. Бу декларация маълумотлари ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишнинг асосий ахборот базаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда реал сектордаги ортиқча бюрократик

тўсиқларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган ҳисобот шакллари қисқартириш орқали ишлаб чиқарувчиларга қулайлик яратиш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборот базасини такомиллаштириш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Шундай қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»²²ги фармони дир. Унга кўра иқтисодий субъектлар томонидан топшириладиган солиқ, статистик, молиявий ва бошқа ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилиб, ҳисобот шакллари ва уларнинг йил давомидаги топширишлар сони қисқартирилди.

Ушбу фармон ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборот базасини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу фармон натижасида ташқи иқтисодий алоқалар бўйича топшириладиган қуйидаги ҳисобот шакллари қисқартирилди: 2-TS (чораклик) **“Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида”** ҳисобот, 2-TS (ойлик) **“Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида”** ҳисобот, 3-TS (ойлик) **“Товарлар экспорти-импорти тўғрисида”** ҳисобот ва 4-TB-V (ойлик) **“Экспорт-импорт муомалалари бўйича валюта маблағлари ҳаракати тўғрисида”** ҳисобот. Бундан ташқари 1-TS **“Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг фаолияти тўғрисида”** ҳисоботни топшириш муддатлари 4 марта қисқартирилди, яъни олдин ҳар чоракда топширилган бўлса, эндиликда ҳар йилда бир марта топширилиши белгилаб қўйилди²³.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси томонидан иқтисодий субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотлар **1-ТИФ ва 1-TS** ҳисобот шакллари орқали қабул қилинади. Ушбу ҳисобот шакллари товар ва хизматлар

²² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29(529)-сон, 327-модда. 2012 й.

²³ Ўша манба

экспорти ва импортини ўзида акс эттириб, олдинги ҳисобот шакллари­нинг барча элементларини ўз ичига олади.

Ҳар бир ҳисоботда унинг ким томонидан, қайси муддатда ва кимга топширилиши бўйича маълумотлар акс этган. Масалан, **1-TS shakli** “**Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг фаолияти тўғрисида**” **ҳисобот** Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар – ўз жойидаги статистика бўлимига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай топширилиши шарт. Ушбу ҳисобот шакли олдин ҳар чоракда қабул қилинган бўлса, 2013 йил 1 январдан бир йилда бир марта топширилади.

1-TIF shakli “**Экспорт-импорт тўғрисида**” **ҳисобот** товар ва хизматлар экспорти ва импорти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан ўз жойидаги статистика бўлимига ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмай топширилиши шарт.

Бундан ташқари ҳисобот шаклининг устки томонида қуйидаги реквизи­тлар келтирилади:

- **ҳисобот топширувчи субъект номи;**
- **почта манзили;**
- **хос рақамлар;**

Хос рақамлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- КТУК** (ОКПО) корхона ва ташкилотларнинг умумий классификатори;
- СТИР** (ИНН) солиқ тўловчиларнинг идентификацион рақами;
- МҲОБТ** (СОАТО) маъмурий-худудий объектларни белгилаш тизими;
- ХХТУК** (ОКОНХ) халқ хўжалиги тармоқларининг умумий классификатори.

(Юқоридаги ҳисобот шакллари­нинг намуналари ва уларни тўлдириш усуллари тўғрисида маълумотлар иловада келтирилган.)

Юқорида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг

мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ўрни, уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишда фойдаланиладиган ахборотлар базаси тўғрисида маълумот берилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ривожлантириш, уни жаҳон андозаларига мослаштириш, халқаро ташкилотлар томонидан чиқарилган меъёрларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар мавжудки, уларни ҳал қилиш ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг янада ривожланишига ва мамлакат иқтисодий ўсишнинг юксалишига сабаб бўлади. Бу камчиликларга кадрлар малакаси, дастурий ва техник база билан боғлиқ камчиликлар ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилиш соҳасида ҳамкорлик каби муаммоларни киритиш мумкин.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун, аввало, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уларни жаҳон стандартларига мослаштириш;

- ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт операцияларини ҳисобга олиш вақтини оптималлаштириш ва уларни расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш;

- ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти иштирокчиларининг манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш;

- ташқи иқтисодий алоқаларни статистик ўганишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш;

- ташқи иқтисодий алоқалар натижаларини ҳисобга олиш ва уни статистик таҳлил қилиш бўйича жаҳон тажрибасидан фойдаланиш орқали статистик Тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш;

- моддий ва маънавий рағбатлантириш воситалари орқали ушбу соҳадаги илмий Тадқиқотларни жадаллаштириш ҳамда ривожлантириш;

- ташқи иқтисодий алоқалар натижаларини статистик таҳлил қилишнинг техник ва дастурий базасини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш;

- статистика ходимларининг малакасини ошириш ва уларда замонавий статистиканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Юқоридаги вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳал қилиниши Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг янада барқарор ривожланишига замин яратади.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Уни ривожлантириш ва реал шароитдан келиб чиққан ҳолда истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Биринчидан, ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг миқдорий томонлари билан унинг сифат жиҳатларини узвий боғлиқликда ўрганиб, унинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади. Иккинчидан, ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси математик моделлаштириш орқали ташқи иқтисодий алоқаларнинг келажакдаги ҳолатини прогнозлашни амалга оширади. Бу ўринда асосий метод сифатида корреляцион-регрессион усул қўлланилади. Бу усул ёрдамида ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиб, регрессия тенгламалари тузилади ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларнинг келгусидаги ҳолати башорат қилинади.

Корреляцион-регрессион таҳлилнинг натижалари, аввало, таҳлил учун асос қилиб олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилигига боғлиқ бўлади. Олинган маълумотлар базаси реал вазиятни қанчалик аниқ ифодаласа, ушбу жараённинг келажакдаги ҳолати учун қилинган башорат ҳам шунчалик ҳақиқатга яқин бўлади.

**II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК
КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ ВА ТАҲЛИЛИ**

**«§2.1.» Экспорт ва импорт кўрсаткичлари ва уларнинг статистик
таҳлили**

Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг натижаларини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларни ҳисоблашдан асосий мақсад - мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларига холис баҳо бериш, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари топишдан иборатдир. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг статистик кўрсаткичлар тизими умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда, ўз хусусий кўрсаткичлар тизими ҳам эга. Уларни ҳисоблаш методологияси умумий статистика қоидалари ва халқаро меъёрларга асосланади. Бу кўрсаткичлар мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича якуний хулосалар қилиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими қуйидагиларни қамраб олади:

1. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мутлақ кўрсаткичлари
2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг нисбий кўрсаткичлари
3. Ўртача кўрсаткичлар
4. Самарадорлик ва индекс кўрсаткичлари.

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг маълум жиҳатларини тавсифлайди. Қуйида уларнинг мазмун-моҳияти, ҳисоблаш усуллари ва қўлланиш хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мутлақ кўрсаткичлари - ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг ҳажми, миқдори ва нархларини ифодалайди. Бу кўрсаткич бир неча статистик кўрсаткичларни қўшиш, айириш орқали топилади. Масалан, 2014 йилда Ўзбекистон

Республикасининг экспорт ҳажми 14089,8 млн.АҚШ доллари, импорти эса 13913,2 млн. АҚШ долларни ташкил этган. Соф экспорт эса 176,6²⁴ млн. АҚШ долларига тенг. Юқоридаги кўрсаткичлар абсолют катталиклар ҳисобланиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг реал миқдорини кўрсатади. Лекин бу кўрсаткич муайян камчиликларга эга, яъни у ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларини давр ёки ҳудудлар бўйича қандай тезликда ривожланаётганини кўрсата олмайди. Шу сабабдан иккинчи тур кўрсаткичлар, яъни нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Нисбий кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқаларнинг йиллар ёки ҳудудлар бўйича қандай ўзгаришини кўрсатади ва иккита мутлақ миқдорни бири-бирига бўлиш орқали топилади. Нисбий миқдорларнинг камчилиги шундаки, улар фақат муайян ҳудуд ёки даврда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражасини кўрсатади, лекин бутун мамлакат миқёсида умумлаштириб кўрсата олмайди. Масалан, мамлакатнинг умумий экспорти маълум бўлган ҳолда 14 та иқтисодий ҳудуднинг ҳар бирига ўртача қанчадан экспорт тўғри келишини нисбий миқдорлар ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўртача кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, юқоридаги мисолда, 2014 йилда Ўзбекистонда ҳар бир ҳудудга экспорт ўртача $\frac{14089,8}{14} = 1006,4$ млн. АҚШ долларида тўғри келган.

Юқоридаги учта кўрсаткичнинг ҳар бири мавжуд рақамларни қўшиш ёки айириш, бўлиш ёки ўртачасини топиш орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқалар омиллари таъсирида унинг ўзгариш даражаларини ифодалай олмайди. Бундай ҳолат таҳлил қилишнинг индекс методларидан фойдаланилади. Ҳар қандай иқтисодий жараёнга бир вақтнинг ўзида бир неча омилларнинг таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, бу метод ташқи иқтисодий алоқалар натижаларини янада

²⁴ 2014 йил январь-декабрь ойларидаги Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси ҳисоботи. -Т.: 2014 йил .4-5 бетлар.

тўлароқ ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Қайд этилган тўрт турдаги кўрсаткичларни умумлаштириб, ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизимини келтириш мумкин. Улар халқаро методологияда ташқи иқтисодий алоқаларни статистик ўрганишда фойдаланилади ва мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти натижаларини тўла ва ишончли баҳолашга ёрдам беради.

Бу кўрсаткичлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси;
- 2) экспорт ва импортнинг мутлақ ҳажми;
- 3) ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси;
- 4) экспортнинг ташқи иқтисодий алоқалар айланмасидаги улуши;
- 5) импортнинг ташқи иқтисодий алоқалар айланмасидаги улуши;
- 6) экспорт ва импорт қиймат индекслари;
- 7) экспорт ва импорт физик ҳажм индекси;
- 8) экспорт ва импортнинг нарх индекслари;
- 9) экспорт ва импортнинг диверсификация индекси;
- 10) экспорт ва импорт интенсивлиги;
- 11) ташқи иқтисодий алоқаларда нисбий устунлик индекси;
- 12) экспорт ва импортга ихтисослашув индекси;
- 13) Херфиндал — Хиршман индекси.

Энди уларнинг ҳар бирига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

1. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси унинг ташқи дунё билан амалга оширган барча савдо фаолияти натижаларини акс эттиради. Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси мутлақ кўрсаткич ҳисобланиб, у экспорт ва импорт кўрсаткичларининг йиғиндисига тенг, яъни: $FT = X + M$ (2.1)²⁵, бу ерда FT-ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси, X-экспорт ҳажми, M-импорт ҳажми.

²⁵ Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

2. Экспорт (X) – мамлакатнинг ташқи дунёга сотган барча товар ва хизматларининг пулдаги ифодасидир. **Импорт (M)** эса ташқи дунёдан сотиб олинган барча товар ва хизматларнинг пул кўринишидаги ифодасидир.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси - мамлакат экспорти ва импорти орасидаги фарқ бўлиб, у мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар балансининг ижобий ёки салбий эканлигини кўрсатади. Ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси қуйидаги формула асосида ҳисобланади: $FTS = X - M$ (2.2)²⁶, $FTS > 0$ бўлиши мамлакат учун ижобий ҳолат деб, $FTS < 0$ эса аксинча деб ҳисобланади.

4. Мамлакат экспорти ва импортининг ташқи иқтисодий алоқалар айланмасидаги улуши-экспорт (импорт)нинг ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси миқдорига нисбатидир. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{экспорт}} = \frac{X}{FT} \cdot 100\% \text{ ва } K_{\text{импорт}} = \frac{M}{FT} \cdot 100\% \quad (2.3)^{27}.$$

5. Экспорт (импорт)нинг қиймат индекси- мамлакат экспорти ҳар икки омил, яъни нарх ва миқдорнинг ўзгариши натижасида жорий йилда олдинги йилга нисбатан қанчага ўзгарганини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади: $I_{pq} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0}$ (2.4)²⁸, бу ерда, I_{pq} -экспорт (импорт)

қиймат индекси, p_1 , q_1 ва p_0 , q_0 эса мос равишда жорий ва ўтган йилдаги экспорт (импорт) маҳсулотлари миқдори ва нархини ифодалайди. Экспорт ёки импортнинг экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг физик ҳажми ўзгариши ҳисобига қандай ўзгарганлигини **экспорт (импорт)нинг физик ҳажм индекси** ёрдамида аниқлаш мумкин. У қуйидагига тенг бўлади:

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} \quad (2.5)^{29}, \text{ бу формула маҳсулот физик ҳажмининг ўзгариши}$$

²⁶ Ўша манба.

²⁷ Ўша манба.

²⁸ Soatov N.M., Tillaxo'jayeva G.N. Statistika: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2006. 281-295 betlar.

²⁹ Ўша манба.

ҳисобига экспорт миқдори қандай ўзгаришини кўрсатади. Экспорт миқдorigа нарх омилининг таъсирини экспорт нархлари индекси ифодалайди ва у қуйидагига тенг: $I_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$ (2.6)³⁰. Экспорт

(импорт)нинг миқдор, ҳажм ва нарх индекслари орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, у қуйидагича ифодаланади: $I_{pq} = I_p \cdot I_q$ (2.7)³¹.

5. Экспорт ва импорт интенсивлиги индекси (Т) - икки мамлакат ўртасидаги савдо фаолияти натижаларининг кутилганидан қанчага ортиқ ёки камлигини уларнинг жаҳон савдосидаги улушига қараб баҳолаш имконини беради. Бу кўрсаткич мамлакат экспортининг давлатлар бўйича тақсимланиш даражасини ифодалаб, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда қайси мамлакатга кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Уни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар иштирок этади:

- x_{ij} - **i** мамлакат томонидан **j** мамлакатга амалга оширилган жами экспорт ҳажми;
- x_{wj} - **j** мамлакатнинг жами экспорт ҳажми;
- X_{it} - **i** мамлакатнинг жами экспорти;
- X_{wt} -дунё экспорт ҳажми.

Бу индекс формула кўринишида қуйидагича ёзилади:

$$T_{ij} = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}} \quad (2.8)^{32}, \text{ бу формуланинг иқтисодий мазмуни шундан}$$

иборат, яъни $\frac{x_{ij}}{X_{it}}$ (1) нисбат **j** мамлакатга амалга оширилган экспортнинг

i мамлакатнинг жами экспортидаги улушини, $\frac{x_{wj}}{X_{wt}}$ (2) нисбат эса **j**

мамлакатнинг бутун дунё экспортидаги улушини кўрсатади. (1) ва (2)нинг нисбати эса **i** мамлакат экспортининг **j** мамлакат экспортидаги улушини ифодалайди. Бу кўрсаткични фоизларда ҳисоблаш анча қулай. У ҳолда X_{ij}

³⁰ Ўша манба.

³¹ Ўша манба.

³² www.wikipedia.org сайтидан олинди.

ва X_{wt} қиймати 100 га тенг бўлиб, юқоридаги формула қуйидаги оддий кўринишга эга бўлади: $T_{ij} = x_{ij} : x_{wj}$. Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, i мамлакатнинг j мамлакатга боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади. Масалан, **Ўзбекистоннинг Россия давлатига ташқи иқтисодий алоқалар бўйича интенсивлигини ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг жами экспорт ҳажми 2014 йилда 14,089 млрд АҚШ доллари³³, Ўзбекистоннинг Россия Федерациясига экспорти ҳажми 4,405 млрд АҚШ доллари, яъни жами экспортнинг 29%ини ташкил этган. 2014 йилда дунё жами экспорти 17980³⁴ млрд АҚШ доллари ва Россиянинг жами экспорти эса 516³⁵ млрд АҚШ долларини, яъни дунё экспортининг 2,9%ини ташкил этганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Ўзбекистон экспортининг интенсивлиги қуйидагига тенг бўлади: $T_{ij} = 29 : 2,9 = 10$. Шунга ўхшаб бошқа мамлакатлар бўйича ҳам Ўзбекистоннинг экспорт интенсивлиги ҳисобланиб, улар ичидан энг катта қийматга эга кўрсаткич танлаб олинади. Ўзбекистон учун Россия кўрсаткичи энг юқори ва демак, **Ўзбекистон экспортининг асосий қисми Россия Федерациясига мос келади.****

6. Ташқи иқтисодий алоқаларда нисбий устунлик индекси (Revealed Comparative Advantage). Ушбу индекс мамлакатнинг муайян товар ва хизматлар экспорти бўйича нисбий устунликка эга ёки эга эмаслигини кўрсатади.

$$RCA = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}} \quad (2.9)^{36}, \text{ бу ерда:}$$

- x_{ij} - i мамлакатда j товар ёки хизмат экспорти миқдори;
- x_{wj} - j товарнинг бутун дунёдаги экспорт ҳажми;
- X_{it} - i мамлакатнинг жами экспорти;
- X_{wt} -дунё экспорт ҳажми.

Ушбу индекснинг назарий асоси бўлиб, классик иқтисодчилар А.Смит

³³ Ўша манба.

³⁴ UN International Trade Statistics Yearbook маълумотларидан фойдаланилди. 2011 йил. 1-18 бетлар.

³⁵ Ўша манба.

³⁶ www.wikipedia.org маълумотларидан фойдаланилди.

ва Д. Рикардоларнинг назариялари хизмат қилади. Агар бу индекс киймати бирдан кичик бўлса, у ҳолда бу мамлакат ушбу товар экспорти бўйича нисбий устунликка эга эмас, аксинча бўлса, мамлакат нисбий устунликка эга бўлади. Нисбий устунлик индексининг аҳамиятли томони шундаки, ушбу индекс натижаларига кўра, мамлакат қайси товарларни экспорт қилиши ва қайси товарларни импорт қилиши лозимлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Агар муайян товар ёки хизмат бўйича мамлакатнинг нисбий устунлик индекси 1 дан кичик бўлса, у ҳолда ушбу мамлакат учун ушбу товарларни импорт қилиши самарали ҳисобланади. Агар 1 дан катта бўлса, мамлакат ушбу товарларни экспорт қилишдан ютади. Энди Ўзбекистон Республикасининг пахта толаси экспорти бўйича нисбий устунлигини ҳисоблаймиз. Масалан, 2013 йилда Ўзбекистоннинг пахта экспорти $13023.4 \times 19.5\% = 2539,6^{37}$ млн. АҚШ долларини, яъни жами экспортнинг 19,5%ини ташкил этган. Жаҳон пахта экспорти эса 17025,8³⁸ млн. АҚШ доллари ва дунё экспортининг 0,1 %ини ташкил этади. У ҳолда нисбий устунлик индекси, $19,5:0,1=195$ га тенг бўлади, яъни Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича нисбий устунликка эга. Бу ҳақиқатга яқин, чунки Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Унинг бутун дунё пахта экспортидаги улуши 9,7%ни ташкил қилади. Биринчи ва иккинчи ўринларни Америка Қўшма Штатлари (35,2 %) ва Ҳиндистон (18%) эгаллайди.

7. Экспортга ихтисослашув индекси (Export Specialization Index).

Бу индекснинг иқтисодий маъноси шундан иборат, яъни ушбу товарнинг 1 бирлик импортига мазкур товарнинг қанча экспорти мос келади. Ушбу индекс қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ES = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{m_{ij}}{M_{it}} \quad (2.10)^{39}, \text{ бу ерда } m_{ij}\text{-i мамлакатда } j \text{ товарнинг}$$

³⁷ Бу ва бундан кейинги маълумотлар UN trade statistics Yearbook ҳисоботидан олинди. 2014 йил. 1-5 беглар.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

³⁹ www.wikipedia.org маълумотларидан фойдаланилди.

импорти хажми, M_{it} -мамлакатнинг жами импорти хажми. Агар ушбу индекс қиймати 1 дан катта бўлса, мамлакат ушбу товар бўйича экспортга ихтисослашган деб ҳисобланади, агар 1 дан кичик бўлса, импортга ихтисослашган деб қаралади. Масалан, 2014 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон экспортидаги улуши 8,5%, импортдаги улуши эса 14%ни ташкил этган. У ҳолда экспортга ихтисослашув индекси $ES=0,085:0,14=0,61<1$. Демак, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича экспортга эмас, балки импортга ихтисослашган.

8. Экспорт диверсификация (Export Diversification Index).

Экспорт диверсификация индексини ҳисоблаш ҳалигача кўплаб ривожланаётган мамлакат учун катта аҳамият касб этади. Чунки бу каби мамлакатларнинг асосий қисми тор спектрдаги товар ва хизматларни экспорт қилиш орқали даромад олмоқдалар. Бу товарлар нархининг беқарорлиги ушбу мамлакатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ушбу мамлакатларда экспортни диверсификациялаш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин. Ушбу жараёни баҳолашда “**Экспорт диверсификация индекси (DX)**”

дан фойдаланилади. У қуйидагича ҳисобланади: $DX_j = \frac{\sum |h_{ij} - h_i|}{2}$ (2.11)⁴⁰,

бу ерда: h_{ij} - i товар экспортининг j мамлакат жами экспортидаги улуши; h_i - i товар экспортининг будун дунё экспортидаги улуши. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, мамлакатда экспорт диверсификацияси шунча юқори бўлади. Агар индекс битта товар ёки хизмат тури учун ҳисобланса, табиийки, унинг қиймати кичик бўлади. Чунки мамлакат фақат бир турдаги товар ёки хизмат экспорти билан шуғулланса, унинг экспортида диверсификация мавжуд бўлмайди. Товар ва хизматлар тури ортиб борган сари индекснинг қиймати ҳам катталашиб боради. Бу эса мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг диверсификациялашув даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

⁴⁰ Ўша манба.

9. Херфиндал — Хиршман индекси (HHI)⁴¹. Ушбу индекс мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги монополлашув даражасига баҳо бериш учун ишлатилади. Агар дунё ташқи иқтисодий алоқаларида ҳар бир мамлакат улушини (% да) $S_1, S_2, S_3, \dots, S_n$ деб белгиласак, Херфиндал — Хиршман индекси куйидагига тенг бўлади:

$$HHI = S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2 \quad (2.12)^{42}.$$

Херфиндал - Хиршман индексининг энг катта қиймати 10 000 тенг, чунки агар дунёнинг барча экспорти битта мамлакат томонидан амалга оширилса $HHI=100^2=10000$ га тенг бўлади ва ушбу ҳолат экспортдаги якка ҳокимлик деб аталади. Лекин бу реал ҳаётда учрамайдиган ҳолат ҳисобланади. Экспорти дунё экспортининг 1 %ини ташкил қилувчи 100 та мамлакат учун ушбу индекс $HHI=100$ бўлади, чунки $HHI=1_1^2 + 1_2^2 + \dots + 1_{100}^2 = 100$.

Херфиндал - Хиршман индексининг қийматига кўра жаҳон бозоридаги монополиялашувни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Юқори монополлашган бозор, агар $1800 < HHI < 10000$ бўлса;
2. Ўртача монополлашган бозор, агар $1000 < HHI < 1800$ бўлса;
3. Паст даражада монополлашган бозор, агар $HHI < 1000$ бўлса.

Херфиндал — Хиршман индексининг муҳим томони шундаки, ундан халқ хўжалигининг исталган тармоғидаги монополлашув даражасини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Агар ушбу кўрсаткичдан миллий даражада фойдаланилса, у ҳолда S сифатида ушбу тармоқда фаолият юритаётган корхоналарнинг улуши олинади. Масалан саноат тармоғи учун

Херфиндал - Хиршман индексини ҳисоблашда ушбу соҳада ишлаётган ҳамма корхоналарнинг улуши олинади ва уларнинг квадратлари йиғиндиси олинади. Ушбу индекснинг иқтисодий мазмуни мукаммал рақобатли бозор қонунлари билан мос келади. Маълумки, мукаммал рақобатли бозорда, ишлаб чиқарувчилар жуда кўп бўлиб, алоҳида ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори умумий нарх

⁴¹ www.wikipedia.org/herfindal-hirshman index маълумотларидан фойдаланилди.

⁴² Ўша манба.

даражасига унчалик катта таъсир ўтказа олмайди. **Херфиндал - Хиршман индексида** ҳам худди шундай. Агар муайян турдаги маҳсулот тури кўпчилик мамлакатлар томонидан экспорт қилинса, уларнинг умумий экспортдаги улушларининг қиймати паст бўлиб, бунинг натижасида улушлар квадратларининг йиғиндиси кичрайиб боради. Бу эса монопольлашув даражасининг пастлигидан далолат беради. Энди бутун дунё ташқи иқтисодий алоқаларидаги ҳолатни **Херфиндал - Хиршман индекси** орқали баҳолаймиз. Дунё экспортининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши 2.1.1-жадвалда берилган бўлиб, унда экспорти 32 млрд. АҚШ долларида юқори бўлган ва жаҳон экспортининг 80%идан ортиғини берувчи 44 та (уларнинг хиссасига жаҳон экспортининг 82 %и тўғри келади) мамлакатлар олинди. Экспорти ушбу миқдордан кам бўлган мамлакатлар жадвалнинг “бошқалар” деб номланган бўлимига киритилди.

2.1.1- жадвал

Дунё экспортининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши⁴³

(2013 йил), млн АҚШ доллари

№	Мамлакатлар номи	Экспорт ҳажми, млн.АҚШ доллар	Жаҳон экспортидаги улуши (S), %	S^2
1	Дунё бўйича жами	17979656	100	10000
2	Хитой	1899180	10,56	111,58
3	АҚШ	1480410	8,23	67,80
4	Германия	1475491	8,21	67,35
5	Япония	822674	4,58	20,94
6	Франция	582074	3,24	10,48
7	Нидерландия	563129	3,13	9,81
8	КХР	556602	3,10	9,58
9	Италия	523191	2,91	8,47
10	Россия	516481	2,87	8,25
11	Буюк Британия	479389	2,67	7,11
12	Белгия	476346	2,65	7,02
13	Канада	451735	2,51	6,31
14	Сингапур	409503	2,28	5,19
15	Саудия Арабистони	364446	2,03	4,11
16	Хиндистон	302588	1,68	2,83
17	Испания	298458	1,66	2,76
18	Австралия	271717	1,51	2,28
19	Бразилия	256040	1,42	2,03
20	Малайзия	228262	1,27	1,61
21	Тайланд	226412	1,26	1,59
22	Швецария	223288	1,24	1,54
23	Индонезия	201472	1,12	1,26
24	Швеция	187266	1,04	1,08
25	Польша	187151	1,04	1,08
26	Австрия	169676	0,94	0,89
27	Чехия	162171	0,90	0,81
28	Норвегия	159253	0,89	0,78
29	Туркия	134907	0,75	0,56
30	Ирландия	128896	0,72	0,51
31	Дания	112740	0,63	0,39
32	Венгрия	110897	0,62	0,38
33	Ветнам	94518	0,53	0,28
34	Қозогистон	88118	0,49	0,24
35	Аргентина	84269	0,47	0,22
36	Чили	80027	0,45	0,20
37	Нигерия	79000	0,44	0,19
38	Финландия	78866	0,44	0,19
39	Словакия	78496	0,44	0,19
40	Украина	68394	0,38	0,14
41	Руминия	62659	0,35	0,12
42	Португалия	58727	0,33	0,11
43	Янги Зелландия	37484	0,21	0,04
44	Ўзбекистон	13254	0,07	0,01
45	Бошқалар	3193999	17,76	315,58
	жами		100	683,8959

Демак, Херфиндал - Хиршман индекси $HHI=683.89$ га тенг. Бундан келиб чиқадики, ҳозирда жаҳон бозори паст даражада монополлашган бозор ($HHI < 1000$) ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, бир турдаги ёки ўхшаш товар ва хизматларнинг бир пайтнинг ўзида бир неча мамлакатлар томонидан экспорт қилинишидир.

⁴³ UN International Trade Statistics Yearbook маълумотлаидан фойдаланилди. 2013 йил. 1-18 бетлар.

«§2.2.» Ташқи иқтисодий алоқаларда нарх кўрсаткичлари тизими ва уларнинг статистик таҳлили

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири - нарх кўрсаткичлари бўлиб, улар экспорт (импорт) товар ва хизматларининг нархидаги ўзгаришларни акс эттиради. Жаҳон бозорида нарх шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни статистик таҳлил қилишда унга таъсир кўрсатувчи ҳамма омилларни диққат билан ўрганиш лозим. Чунки товар сотгандан кейин сотувчиларнинг қанча даромад олишлари, улар ушбу бозорда қолиш ёки қолмасликларини белгиловчи асосий омил нархдир. Ташқи иқтисодий алоқалардаги нарх ҳам худди ички бозордаги каби товарнинг шундай қийматики, у ҳар икки томон, яъни сотувчи ва харидорни қаноатлантиради. Жаҳон бозорида ҳам нарх талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Ташқи иқтисодий алоқаларда нарх статистикасининг асосий вазифаси, экспорт ва импорт операцияларида нарх ўзгариши натижасида содир бўладиган жараёнларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва унинг салбий таъсирларини камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳозирги Миллий ҳисоблар тизимида экспорт ва импорт натижаларини акс эттиришда турли нарх тизимларидан фойдаланилади. Бу тизимлар товарларнинг ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига етиб боргунча бўлган шароитларни ўз ичига қамраб олади. Бу иқтисодий адабиётларда “Халқаро етказиб бериш шартлари” ёки қисқача INCOTERMS (International Commercial Terms) деб аталади. Ушбу тизимга биринчи марта 1921 йилда Халқаро савдо Палатаси ташкил қилиниши билан асос солинди. 1936 йилда унинг биринчи қоидалари нашр қилинди. Шундан сўнг унга 1953, 1967, 1976, 1980, 1990 ва 2000 йилларда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. INCOTERMSнинг ҳозирги энг янги шакли 2010 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, деярли барча экспорт-импорт операцияларида кенг қўлланилади. INCOTERMSнинг 2010 йилдаги

шакли қуйидаги нарх тизимларини ўз ичига олади:

1. EXW-Ex-works. Бу шартда сотувчи товарларни харидорнинг жойигача олиб келиб беради. Бу сотувчига максимал, харидорга эса минимал мажбурият юклайди. Бунда ҳамма харажатларни сотувчи тўлайди.

2. FCA-Free Carrier. Ушбу тизимда сотувчи товарларни харидор томонидан белгиланган энг яқин ташувчига етказиб беради. У ердан харидорга етказиб бериш харажатларини харидорнинг ўзи тўлайди.

3. CPT-Carriage Paid To. Сотувчи муайян жойгача элиб бериш харажатларини қоплайди.

4. CIP-Carriage and Insurance. Сотувчи товарларни муайян жойга етказиб бериш билан бирга, унинг суғурта харажатларини ҳам тўлайди.

5. DAT-Delivered at Terminal. Сотувчи портгача олиб бориш харажатларини қоплайди. Портга етиб товар туширилгандан кейин сотувчининг мажбуриятлари тугайди.

6. DAT-Delivered at Place. Сотувчи товарларни харидор айтган жойгача импорт божларини тўламай етказиб беради.

7. FOB-Free on Board. Ушбу тизимда сотувчи товарларни кемага юклайди ва шу билан унинг мажбуриятлари якунланади.

8. CIF-Cost, Insurance, Freight. Сотувчи товарларни олиб келиш, суғурта ва фрахт харажатларини тўлайди.

Одатда кўплаб экспорт-импорт операцияларида экспорт учун FOB, импорт учун эса CIF нархларидан фойдаланилади.

Ташқи иқтисодий алоқалардаги нарх статистикасининг яна бир муҳим вазифаси бу нарх ўзгаришларини таҳлил қилиш ва унинг қайси омиллар ҳисобига ўзгараётганини ўрганишдир. Бунда индекс методларидан кенг фойдаланилади. Ташқи иқтисодий алоқаларда қўлланиладиган нарх индекслари икки турга бўлинади: якка (алоҳида) ва умумий (агрегат). Якка нарх индекслари ҳар бир товар тури бўйича нарх ўзгаришларини акс эттирса, умумий индекслар барча товарлар бўйича

умумлашган нарх ўзгаришларини кўрсатади.

Экспорт ҳажмининг экспорт товарлари нархининг ўзгариши ҳисобига қандай ўзгарганлигини топишда **экспорт (импорт)нинг нарх индекси**дан фойдаланилади. Бу индексни ҳисоблашда вазн сифатида жорий даврдаги экспорт миқдори олинади ва шунинг учун ушбу индекс **Пааше индекси** деб ҳам аталади. Уни қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$I_p^{Пааше} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1} \quad (2.13)^{44}.$$

Баъзи ҳолатларда экспорт ёки импорт нарх индексини ҳисоблашда вазн сифатида базис йилдаги миқдор кўрсаткичлари олинishi мумкин. У ҳолда бу индекс Ласпейрес индекси деб аталиб, у қуйидагича ҳисобланади:

$$I_p^{Ласпей} = \frac{\sum p_1 q_0}{\sum p_0 q_0} \quad (2.14)^{45}.$$

Лекин Пааше индекси ҳам, Ласпейрес индекси ҳам экспорт нархларининг ўзгаришини аниқ кўрсата олмайди. Чунки ушбу индексларда экспорт қилинаётган товар ва хизматлар таркибининг ўзгариши (ҳар икки индексда ҳам экспортнинг физик ҳажми ўзгармас деб олингани учун) акс эттирилмайди. Шунинг учун экспорт товарлари нархи индексини ҳисоблашда Фишер индексидан фойдаланилади. Ушбу индекс Пааше ва Ласпейрес индексларининг ўртача геометригига тенг бўлиб, экспорт (импорт) нархлари ўзгаришини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

$$I_{фишер} = \sqrt{I_p^{Пааше} \cdot I_p^{Ласпей}} \quad (2.15)^{46}.$$

Умумий нарх индекслари баъзи камчиликларга эга. Улардан бири ушбу индекслар мамлакатнинг барча экспорт товарлари нархларининг ўзгаришини барча мамлакатлар бўйича умумлаштириб кўрсатади, лекин экспорт қилинаётган ҳар бир мамлакат бўйича нархларнинг ўзгариш даражасини кўрсатмайди. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқалар статистикасида ҳудудий индекслардан ҳам фойдаланилади. Уларнинг

⁴⁴ Soatov N.M., Tillaxo'jayeva G.N. Statistika: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2006. 281-295 betlar.

⁴⁵ Ўша манба.

⁴⁶ Ўша манба.

муҳим хусусияти шундаки, мамлакатнинг ҳар бир чет мамлакат билан экспортидаги нархларнинг ўзгаришини баҳолаш имконини беради. Бу кўрсаткични билиш жуда муҳим чунки, мамлакат ўз экспорт стратегиясини амалга ошириши учун қайси мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш кераклигини ушбу индекс ёрдамида тадқиқ қилиш мумкин. Баъзи ҳолларда мамлакат умумий нарх индекси яхши бўлган ҳолда, унинг ҳар бир ҳудуд бўйича нарх индекси салбий кўрсаткич бўлиши мумкин. Бунинг сабаби, экспорт нархлари юқори бўлган мамлакатлардаги нарх даражалари экспорт нархлари паст бўлган мамлакатлардаги нархларни мувофиқлаштиради, яъни компенсациялайди. Шунинг учун экспорт қилинаётган ҳар бир мамлакат бўйича нарх ўзгаришларини билиш мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг барқарор ўсишини таъминлайди. ҳар бир мамлакат бўйича ҳудудий экспорт нархлари индекси қуйидагича ҳисобланади:

$$I_p^a = \frac{\sum P_1^a Q_1^a}{\sum P_0^a Q_1^a} \quad (2.16)^{47}. \quad \text{Бу ерда: } I_p^a - \text{А ҳудуддаги экспорт}$$

нархлари индекси. p_1^a – жорий йилда А мамлакатга экспорт қилинган товарлар нархи, p_0^a – базис йилда А мамлакатга экспорт қилинган товарлар нархи ва q_1^a – жорий йилда А мамлакатга экспорт қилинган товарлар миқдори. Ҳудудий экспорт нархлари индекси қанчалик 1 дан катта бўлса, мамлакат экспортдан шунчалик кўп фойда олади, агар ушбу кўрсаткич 1 дан қанчалик кичик бўлса, ушбу мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилиш самарасиздир.

Юқоридаги ҳудудий индекс формуласи ёрдамида импорт товарлари нархларининг ўзгаришини ҳам баҳолаш мумкин. Лекин бу кўрсаткич экспорт нарх индексига аксинча бўлади, яъни импорт нархларининг ҳудудий индекси қанчалик 1 дан паст бўлса, ушбу мамлакат билан импорт алоқаларини ривожлантириш лозим, аксинча қанчалик 1 дан катта бўлса импортнинг бошқа муқобил вариантларини ўйлаб топиш лозим.

⁴⁷ Ўша манба.

Ўртача нарх асосида кўпгина мамлакатларда, “савдонинг баҳога боғлиқ шартлари индекси” ҳисобланади ($I_{y.t}$). У қуйидаги формула ёрдамида топилади: $I_{y.t} = \frac{I_{\text{экспорт}}}{I_{\text{импорт}}} \text{ (2.17)}^{48}$. Агар $I_{y.t} > 1$ бўлса,

мамлакатнинг бошқа мамлакат билан савдо шароитлари яхшиланди, деган хулоса қилиш мумкин. Бунинг маъноси шуки, экспорт товарларининг нархи импорт товарларининг нархига қараганда тезроқ ўсган. Энди ушбу мамлакат озроқ экспорт билан кўпроқ импортни қоплаши мумкин. Агар $I_{y.t} < 1$ бўлса, савдо шароитлари ёмонлашган ҳисобланади. Бундай ҳолда мамлакат оз миқдордаги импортни қоплаш учун кўпроқ экспорт қилишга мажбур бўлади. Агар $I_{y.t} = 1$ бўлса, бу экспорт ва импорт нархлари мутаносиб тарзда ўзгараётганини англатади. Бу ҳолда мамлакат ташқи иқтисодий алоқалардан ҳеч қандай фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайди.

Савдо шароити индекси мамлакатнинг умумий ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич қиймати 1 дан пасайиб бориши мамлакат олдида, экспорт товарларининг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш орқали рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш вазифасини кўяди.

Экспорт ва импорт баҳоларининг индекслари статистика идоралари томонидан мунтазам ҳисоблаб борилади ва кўплаб миллий ва халқаро нашрларда, масалан, Халқаро валюта фонди томонидан “International Financial Statistics” ойномасида эълон қилиб борилади. “Савдонинг баҳо билан боғлиқ шартлари” кўрсаткичининг ўсиши одатда ташқи иқтисодий алоқалар шартларнинг яхшиланишини билдиради. Агар хорижий мамлакатлардан уларга экспорт қилинаётган ҳар бир экспорт бирлиги учун кўпроқ миқдорда импорт товарлари олиш имконияти бўлса, бундан экспортёр мамлакат ютади. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай эмас. Савдонинг баҳо билан боғлиқ шартлари ўз ҳолича савдонинг фойдалилиги ҳақида

⁴⁸ Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

тўла тасаввур бермайди, чунки бу кўрсаткич фақат экспорт ва импорт нархларидаги ўзгаришларни акс эттириб, унинг миқдорий томонларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Агар мамлакат экспорт товарларига бўлган талаб ортиб ва импорт қилинадиган товарлар таклифи кўпайса, ушбу ҳолда мамлакат ҳақиқатдан ҳам фойда олиши мумкин.

Фараз қилайлик, экспортчи мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган костюм-шимларни ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Бу эса ўз навбатида баҳоларнинг пасайишига ва экспортнинг нархга боғлиқ шартлари ёмонлашувига олиб келади. Бунда Ўзбекистон ўз-ўзидан нималарнидир ютқазади ва савдо унинг учун камроқ фойда келтира бошлайди, деган маъно чиқмайди. Чунки ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши (масалан янги технологиялардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш) ишлаб чиқаришни ҳам миқдоран, ҳам сифат жиҳатдан яхшилабгина қолмай, балки ишлаб чиқариш харажатларининг ҳам пасайишига олиб келади. Натижада ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлиги олдингидек сақланади ва ҳатто ортиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, савдонинг баҳо билан боғлиқ шартлари ташқи иқтисодий алоқалар натижаларидаги ўзгаришларни баҳолаш учун муҳим маълумот беради, аммо бу кўрсаткичдан ташқи иқтисодий алоқалар ҳажмлари ва баҳолар ўзгаришига таъсир этувчи бошқа омиллар билан биргаликда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Баъзи ҳолатларда нарх ёки физик ҳажм индексларини ҳисоблаш учун маълумотлар етарли бўлмайди. Бундай вазиятда ўртача нарх ва физик ҳажм индекслари ўртача тортилган гармоник формулалар орқали ҳисобланади. Масалан, экспорт ёки импорт товарларининг ўтган йилдаги нархлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар доим ҳам берилмайди. Бундай шароитда ҳар бир товар бўйича нархнинг ўзгаришидан, яъни якка нарх индексларидан фойдаланиб умумий нарх ўзгаришини ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, умумий нарх индекси $I_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$ (2.18)⁴⁹ ёрдамида

ҳисобланади. Агар p_0 номаълум бўлса, у ҳолда ҳар бир товар бўйича якка

индеклар, яъни $i_p = \frac{p_1}{p_0}$ ($p_0 = \frac{p_1}{i_p}$) маълум бўлса, умумий нарх индекси

куйидаги кўринишни олади:

$$I_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum \frac{p_1 q_1}{i_p}} \quad (2.19)^{50}, \text{ яъни ўртача гармоник формула ёрдамида}$$

ҳисобланади.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг нарх кўрсаткичлари мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Экспорт нархларининг импорт нархларидан устун бўлиши, ташқи иқтисодий алоқаларда мамлакатга катта устунлик бериб, соф экспортнинг ортиши ва бунинг оқибатида ЯИМ ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдорини ошириш, яъни иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

⁴⁹ Soatov N.M., Tillaxoʻjayeva G.N. Statistika: Oʻquv qoʻllanma. – T.: TDIU, 2006. 281-295 betlar.

⁵⁰ Ўша манба

«§2.3.» Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари

Кишилиқ жамияти ривожланишининг барча давларида мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки ёки уларга жалб этилишининг қандай эканлигини билиш ва ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу кўрсаткич экспортнинг ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбати билан белгиланади, яъни $E_{\text{квота}} = \frac{X}{\text{ЯИМ}} \cdot 100\%$ (2.20)⁵¹ ва мамлакатнинг **экспорт квотаси** деб аталади. У қанча юқори бўлса, мамлакат халқаро иқтисодий муносабатларга шу қадар юқори даражада жалб этилган бўлади. Ушбу кўрсаткичга тескари кўрсаткич - **импорт квотаси** ҳисобланади. У импортнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати билан аниқланади, яъни $I_{\text{квота}} = \frac{M}{\text{ЯИМ}} \cdot 100\%$ (2.21)⁵². Мамлакат учун бу кўрсаткичнинг кичик бўлгани маъқулроқ. Чунки, импорт квотаси қанчалик кичик бўлса, мамлакатнинг импортга боғлиқлиги шунчалик паст даражада ҳисобланади. Бошқа томондан бу кўрсаткичнинг кичик бўлиши валюта захираларининг сақлаб қолинишини таъминлайди.

Лекин юқоридаги кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқалар муносабатларини сифат жиҳатдан баҳолаш имконини бермайди. Шу сабабли уни ифодаловчи яна бир кўрсаткичдан фойдаланилади. Бу **реал экспорт квотаси** бўлиб, у саноат тармоғига тегишли экспортнинг мамлакат саноат ишлаб чиқаришига нисбати билан ўлчанади. Бу тайёр маҳсулотларининг қанча қисми экспорт қилинаётганини кўрсатади. Ривожланган мамлакатлар учун у тахминан 40-50 фоизга тенг. Бу эса ишлаб чиқарилган барча маҳсулотнинг ярми ташқи бозорга олиб чиқиб кетилишини англатади. Давлатнинг ташқи иқтисодий муносабатларга тортилганлиги **экспортнинг эластиклиги**: экспорт ва ЯИМ қўшимча

⁵¹ Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

⁵² Ўша манба.

ўсиш суръатларининг нисбати, яъни $E_{\text{экс}} = \frac{\Delta X}{X} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ (2.22)⁵³ билан ҳам белгиланади. Экспортнинг ўсиш даражаси ЯИМнинг ўсиш даражасидан юқори бўлса, бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда барқарор ўринга эга эканлигини кўрсатади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилишда **импорт эластиклиги** кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. У қуйидагига тенг: $E_{\text{и}} = \frac{\Delta I}{I} : \frac{\Delta \text{ЯИМ}}{\text{ЯИМ}}$ (2.23)⁵⁴

Юқоридаги формулаларда Δ ўсишнинг мутлақ қийматини ифодалайди.

Биринчи кўрсаткич экспорт ўсиш тенденциясининг ЯИМнинг ўсиш тенденциясига нисбатини аниқлайди. Яъни, маҳсулот экспорти 1% ортса, унга жавобан ЯИМ неча фоизга ўсишини кўрсатади.

Иккинчи кўрсаткич худди юқоридаги кўрсаткич каби импортнинг ЯИМга таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда 2014 йилда экспорт ва ЯИМнинг ўсиш суръатлари мос равишда 2013 йилга нисбатан 1,154 ва 1,083 мартани ташкил қилганини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси экспортнинг эластиклик кўрсаткичи $1,154:1,083=1,065$ га тенглигини топиш мумкин. Демак, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар алоқаларида самарадорликка эришилмоқда.

Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич-экспортнинг **тўлиқ самарадорлиги** деб аталиб, у товарлар экспортдан тушган умумий пул суммасини уни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларга бўлиш орқали топилади, яъни: $\mathcal{E}_{\text{тулик}} = \frac{\mathcal{E}B}{C\mathcal{E}}$ (2.24)⁵⁵ бу ерда, $\mathcal{E}_{\text{тулик}}$ - экспортнинг тўлиқ самарадорлиги, $\mathcal{E}B$ - экспортдан валюта тушумлари (экспорт миқдори), $C\mathcal{E}$ -экспорт товарларини ишлаб чиқариш

⁵³ Ўша манба.

⁵⁴ Ўша манба.

⁵⁵ Ўша манба.

учун қилинган харажатлар. Бу ерда ЭВ ва СЭ кўрсаткичлар айна бир хорижий валютада, масалан, АҚШ долларида ифодаланиши лозим. Бу кўрсаткич бир бирлик харажат қилиб, мамлакат қанча даромад олаётганини кўрсатади. Экспортнинг тўлиқ самарадорлиги қанчалик катта бўлса, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалардан оладиган фойдаси шунчалик юқори бўлади. Агар $\mathcal{E}_{\text{тулик}}=1$, яъни ЭВ=СЭ бўлса, мамлакат экспортдан ҳеч қандай фойда олмайди, яъни унинг экспорти фақат уни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни қоплайди. Агар ЭВ<СЭ бўлса, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти самарасиз ҳисобланади.

Кейинги самарадорлик кўрсаткичи-экспортнинг валюта самарадорлиги ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич худди экспортнинг тўлиқ самарадорлик индекси каби ҳисобланади. Ягона фарқи, ушбу кўрсаткични ҳисоблашда экспорт товарларини ишлаб чиқариш учун харажатлар миллий валютада берилади, экспорт тушумлари эса хорижий валютада келтирилади. У иқтисодий жиҳатдан 1 сўм харажатга неча бирлик хорижий валюта олинганини ифодалайди. Масалан, экспорт товарларини четга сотишдан тушган тушум 14 млрд. АҚШ доллари бўлиб, уларни ички иқтисодиётда ишлаб чиқариш учун 20 млрд сўм сарфланган бўлса, у ҳолда экспортнинг валюта самарадорлиги $14:20=0,70\$$ га тенг бўлади. Яъни ҳар бир сўм харажат 70 цент валюта самарасини келтиради. Агар товарлар кредитга сотилган бўлса, кредит таъсирининг коэффицентини ҳисобга олган ҳолдаги нисбатини ифодалайди. Товар кредитга сотилганида экспортнинг самарадорлиги одатда камаяди, бироқ кредит берилмаса, товарларни ташқи бозорда сотиш кўпинча қийинлашади, баъзан эса умуман мумкин бўлмайди.

Импортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи. Мамлакатга олиб келинган товарларнинг уларни ишлаб чиқаришнинг ички шарт-шароитлари бўйича уларни сотиб олиш ва чегарагача етказиб келтиришга қилинадиган тўлиқ валюта харажатларига нисбатидир. Бошқача айтганда,

импортнинг валюта самарадорлиги бир бирлик валюта харажат қилиб мамлакатга қанча миқдордаги товар ёки хизмат олиб кириш мумкинлигини кўрсатади. Импорт валюта самарадорлигининг 1 дан кичик бўлиши иқтисодий жиҳатдан кўпроқ самарали ҳисобланади. Чунки бу ҳолда ҳар бирлик валюта харажатиға кўпроқ товар ва хизматлар сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Бу кўрсаткич худди экспортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичига ўхшаб ҳисобланади, фақат экспорт қиймати ўрнига импорт қийматини олиш кифоя.

Юқоридаги кўрсаткичлар нисбийдир. Улар олинган фойданинг ёки қилинган харажатларга нисбатан қўрилган зарарнинг даражаси, яъни айирбошлашнинг сифат томонини билдиради, аммо миқдор ифодасини, ташқи иқтисодий фаолиятдан келадиган самаранинг мутлақ миқдорини билдирмайди. Ана шу миқдор импорт қилинган товарлар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилганида қилинган барча харажатлар билан экспорт қилинган товарлар учун қилинган ана шундай харажатлар ўртасидаги фарқга тенг бўлади.

Экспорт қилинган товар ва хизматлардан қўрилган зарарлар кўпинча импорт қилинган товар ва хизматлардан олинган даромадлар билан қопланиши туфайли, юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларни тўғрилаш учун тузатиш коэффициентлари: импорт учун экспорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти ва шунга мувофиқ экспорт учун импорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти жорий этилади. Экспорт учун коэффициент муайян мамлакатга товарлар экспорт қилишдан тушган жами валюта тушумини уларни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатларга бўлишдан олинган натижадир. Импорт учун коэффициент эса импорт қилинган товарларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган тақдирда сарфланиши мумкин бўлган харажатларни бу товарлар ҳақини тўлаш ва келтиришга кетган валютадаги харажатлар суммасига бўлиш натижасидир. Хориж валюталарининг харид кучи бўйича ҳам тузатиш киритилади. Бу метод халқаро таққослашда кенг

қўлланилади. Валюталарнинг харид қобилияти бўйича тузатишлар киритишда икки хил методдан фойдаланилади. Биринчиси, Марказий Банкнинг ўртача йиллик алмашув курси бўйича ҳисобланса, иккинчиси кластер методи бўйича аниқланади. Кластер методида валюталарнинг харид қобилияти миллий валюталар курсларини солиштириш орқали топилади. Масалан, 1\$=30 рубль ва 1\$=2010 сўм бўлса, 1 рубль=67 сўм бўлади. Ҳозирда кўплаб халқаро ташкилотларда иккинчи методдан кенгроқ фойдаланилади. Чунки у биринчи методга нисбатан ишончлироқ ахборот олиш имконини беради.

Энди жаҳон бозорида маълум товарлар бўйича қарор топган нарх даражаларини статистик таҳлил қилишга ўтамиз. Бу нарх даражалари Жаҳон савдо ташкилоти томонидан чоп қилинган бўлиб, товар турлари бўйича нархларнинг динамикаси келтирилган.

2.3.1-жадвал

Экспорт товарларининг баъзи турлари бўйича жаҳон нархлари динамикаси (2007-2014 йиллар)⁵⁶

№	Товар номи	Йиллар							
		2007	2009	2009	2010	2011	2012	2013	2014
1	Кунгабоқар ёғи (АҚШ цент / фунт)	1144,5	713,1	673,0	1693,6	1041,7	1186,0	1621,8	1489,5
2	Кўмир (АҚШ долл. /тонна)	51,0	52,6	70,4	136,2	77,0	106,0	130,1	103,2
3	Пахта (АҚШ цент/ фунт)	55,2	58,1	63,3	71,4	62,7	103,6	154,6	89,2
4	Балиқ (АҚШ долл/ кг)	4,1	5,1	4,5	4,8	4,9	6,2	5,9	4,8
5	Бензин (АҚШ цент/ галлон)	158,8	182,4	203,7	246,7	163,3	205,1	353,0	363,0
6	Олтин (АҚШ долл. / трой.унц)	444,8	604,3	696,7	871,7	973,0	1224,7	1400,0	1600,5
7	Темир рудаси (АҚШ цент/кг)	28,1	33,5	36,6	61,6	80,0	146,7	167,8	128,5
8	Маккажўхори (АҚШ долл /тонна)	98,4	121,6	163,3	223,3	165,5	186,0	291,8	298,4
9	Табиий газ (АҚШ долл /	212,9	295,6	293,1	472,9	318,8	296,0	381,5	431,3

⁵⁶ Халқаро Валюта Фондининг статистик маълумотларидан фойдаланилди. Table 3. 2009-2014.
Эслатма: 1 фунт=0,45 кг, 1 галлон=3,785 л, 1 трой.унция=28,35 г, 1 барель=159 л.

	1000 м ³)								
10	Никель (АҚШ долл /тонна)	14777,8	24125,6	37135,8	21141,5	14672,4	21810,0	22909,1	17541,7
11	Нефть хомашёси (АҚШ долл / баррель)	53,4	64,3	71,1	97,0	61,8	79,0	104	105
12	Шакар (АҚШ цент/ фунт)	9,3	13,9	11,4	12,2	15,1	20,2	26,2	21,4
13	Чой (АҚШ цент / кг)	216,4	241,7	211,9	269,5	314,0	316,7	346,2	348,9
14	Уран (АҚШ долл / фунт)	27,9	47,7	99,2	64,2	46,7	46,0	56,2	48,9
15	Бугдой (АҚШ долл /тонна)	152,4	191,7	255,2	325,9	223,4	223,7	316,2	313,3
16	Рух (АҚШ долл / тонна)	1380,6	3266,2	3249,7	1884,8	1658,4	2160,4	2195,5	1950
17	Алюмин (АҚШ долл / тонна)	1900,5	2573,1	2639,9	2577,9	1669,2	2173,0	2400,6	2022,8
18	Мис (АҚШ долл / тонна)	3676,5	6731,4	7131,6	6963,5	5165,3	7538,4	8823,5	7958,9

Юқоридаги жадвалга кўра, деярли барча 18 хил товарларнинг нархида жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Бу ўзгаришлар айниқса, бензин, никель, нефть хом ашёси, бугдой ва нодир металллар нархларида яққол сезилади. Бундан ташқари, истеъмол товарлари ва хом ашё маҳсулотлари нархларида ҳам тебранишлар юз берган. Бу дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши, натижада жаҳон бозорида ушбу товарларга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ.

Жадвалга эътибор қаратилса, кўпчилик товарларнинг нархлари 2008 йилгача ўсиб бориб, кейинчалик уларнинг нархларида кескин пасайиш содир бўлган. Бунга сабаб, 2008 йилнинг иккинчи ярмида АҚШда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидир. Инқироз натижасида мамлакатларнинг сотиб олиш қобилиятлари пасайган ва бунинг оқибатида ушбу товарларга талаб камайган. Талаб камайиши эса нархнинг пасайишига олиб келади.

Ҳар бир товар тури бўйича жаҳон нархларининг ўзгариш даражалари 2.3.2-жадвалда берилган бўлиб, унда барча йил нархлари 2007 йил нархлари билан қиёсланади.

2.3.2-жадвал

Товарлар нархининг 2007 йилга нисбатан ўзгариши (% да)

№	Товар номи	Йиллар							
		2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
1	Қўнғабўқар ёғи (цент АҚШ/ фунт)	100	83,7	138,8	168,1	109,6	191,6	141,7	130,1
2	Қўмир (АҚШ долл./тонна)	100	103,8	97,4	213,8	158,5	183,9	255,1	202,4
3	Пахта (АҚШ цент/фунт)	100	105,2	114,7	129,4	113,7	187,7	280,1	161,6
4	Балиқ (АҚШ долл/кг)	100	124,6	111,8	119,5	121,2	151,5	143,9	117,1
5	Бензин (АҚШ цент/галлон)	100	114,9	128,3	155,3	102,8	129,1	222,3	228,6
6	Олтин (АҚШ долл/трой.унц)	100	135,9	156,6	196,0	218,7	275,3	314,7	359,8
7	Темир рудаси (АҚШ цент/кг)	100	119,0	130,3	219,0	284,6	521,9	597,2	457,3
8	Маккажўхори (АҚШ долл /тонна)	100	123,6	165,9	226,9	168,2	189,0	296,5	303,3
9	Табиий газ (АҚШ долл / 1000 м ³)	100	138,8	137,7	222,1	149,7	139,0	179,2	202,6
10	Никель (АҚШ долл /тонна)	100	163,3	251,3	143,1	99,3	147,6	155,0	118,7
11	Нефть хомашёси (АҚШ долл / баррель)	100	120,5	133,3	181,9	115,8	148,1	194,8	196,6
12	Шакар (АҚШ цент / фунт)	100	149,4	122,3	130,2	162,2	216,1	281,7	230,1
13	Чой (АҚШ цент / кг)	100	111,7	97,9	124,6	145,1	146,4	160,0	161,2
14	Уран (АҚШ долл / фунт)	100	170,7	355,3	229,8	167,1	164,6	201,4	175,3
15	Бўғдой (АҚШ долл /тонна)	100	103,7	148,9	234,5	151,1	147,6	207,5	205,6
16	Рух (АҚШ долл / тонна)	100	236,6	235,4	136,5	120,1	156,5	159,0	141,2
17	Алюмин (АҚШ долл / тонна)	100	135,4	138,9	135,6	87,8	114,3	126,3	106,4
18	Мис (АҚШ долл / тонна)	100	183,1	194,0	189,4	140,5	205,0	240,0	216,5

Ушбу жадвалга кўра, 2010 йилгача барча товарлар нархлари барқарор ўсиб келган. 2011 йилдан эса кескин пасайиш содир бўлган.. Лекин пасайиш ҳамма товарларда ҳам кузатилмаган. Баъзи товар турлари бўйича нархлар ўз барқарорлигини сақлаб қолган. Булар аҳолининг бирламчи эҳтиёжлари учун зарур товарлар (шакар, балиқ, чой)

ҳисобланади.

2013 ва 2014 йилларда ҳам товарлар нархида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби, кўплаб ривожланган мамлакатларни ташвишга солаётган ва молиявий-иқтисодий инқирознинг иккинчи тўлқини деб аталган, мамлакатларнинг ташқи қарзи билан боғлиқ бўлган инқирознинг бошланаётганлигидир. Ушбу ҳолат, айниқса, Ғарбий Европа ва бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки баъзиларининг ташқи қарзи ўз ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпроқ. Масалан, АҚШнинг ЯИМи 15 трлн доллар бўлган ҳолда унинг ташқи қарзи 16 трлн доллардан ошади. Бу эса экспорт товарларининг, айниқса, хом ашё маҳсулотларининг нархида кескин пасайишларни вужудга келтиради.

II боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ташқи иқтисодий алоқаларнинг статистик кўрсаткичлар тизими ушбу фаолиятни яхлит ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали олинган натижалар мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳозирги кундаги ҳолатини ифодалайди. Ушбу натижаларга кўра, мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларда қайси йўналишларга алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги ва экспортни ривожлантиришнинг истиқболдаги ҳолатлари бўйича иқтисодий қарорлар қабул қилиш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишда унга таъсир этувчи барча омиллар комплекс тарзда ўрганилади. Экспорт фаолиятига таъсир этувчи асосий омиллар-миқдор ва нарх омили бўлиб, ушбу омиллар мамлакат экспортининг келажакдаги ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Икки хил ҳолатда мамлакат экспортдан келадиган валюта тушумларини ошириш мумкин:

- экспорт қилинаётган маҳсулот миқдорини ошириш;
- товарларни ташқи бозорга юқори нархларда сотиш.

Юқоридаги ҳар икки омил ҳам жаҳон бозоридаги талаб ва таклифга боғлиқ

бўлади. Агар ташқи бозорда мамлакат томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга етарлича талаб мавжуд бўлса, у ҳолда товарларнинг нарх даражаси юқори бўлади. Бундай ҳолат мамлакат озроқ товарлар сотиб кўпроқ фойда олиш имкониятига эга бўлади. Рецессия ҳолатида эса мамлакат сотиладиган товарларнинг нархини пасайтириш орқали ташқи бозорда талабни вужудга келтириш ва уни маълум даражада ушлаб туришга ҳаракат қилади. Бунинг оқибатида экспорт қилинаётган товарларнинг миқдори ортади. Лекин бу мамлакат учун моддий жиҳатдан зарар келтиради, чунки бу ҳолатда кўп товар сотилиб кам фойда олинади, аммо ташқи бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш имконини беради.

Демак, мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти натижалари ташқи бозорга бевосита боғлиқ. Ташқи бозордаги ҳар қандай ўзгариш мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу жараёни чуқур ўрганиш, ижобий таъсирини ошириш ва салбий оқибатлар таъсирини пасайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни унинг кўрсаткичлар тизими орқали комплекс таҳлил қилиш лозим.

Юқорида келтирилган нарх ва миқдор кўрсаткичлари маълум камчиликларга эга, яъни улар экспортнинг мамлакат иқтисодиёти учун қай даражада фойдалилиги ифодалаб бера олмайди. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида экспортнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши, экспортнинг валюта самарадорлиги, яъни ички бозорда қилинган бир бирлик ҳаражатга қанча валюта кириб келаётгани, экспортнинг фонд самарадорлиги (қайтими) ва бошқа кўрсаткичлар ётади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали мамлакат учун дунёнинг қайси мамлакатлари билан савдо қилиш кўпроқ самарадорлик келтириши бўйича хулосалар чиқариш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг умумий натижаларини таҳлил қилишда юқоридаги учта кўрсаткич, яъни нарх, миқдор ва самарадорлик кўрсаткичлари бирга таҳлил қилинади ва хулосалар чиқарилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичлари тизимининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг истиқболдаги ҳолати тавсифловчи кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаш, яъни прогнозлаш мумкин. Бунда ҳозирдаги мавжуд тенденциялардан фойдаланиб, ташқи иқтисодий алоқалар жараёнининг математик модели яратилади ва шу модел ёрдамида келажакдаги ҳолатлар башорат қилинади. Ушбу моделни тузишда ташқи иқтисодий алоқаларга таъсир этувчи барча омиллар ҳисобга олинади. Қанчалик кўп омиллар таъсири ҳисобга олинса, модел шунчалик ушбу жараёни аниқроқ ифодалайди.

Умуман, ташқи иқтисодий алоқалар иқтисодий барқарорликнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Уни таҳлил қилишда энг замонавий методлардан фойдаланиш - унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ СТАТИСТИК ПРОГНОЗЛАШ

«§3.1.» Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар динамикасининг статистик таҳлили

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ривожлантириш ва мавжуд механизмларни такомиллаштириш орқали ушбу соҳада кўплаб ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, экспортни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ ва божхона имтиёзларининг жорий қилиниши ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳам миқдоран, ҳам сифат жиҳатдан ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг яна бир муҳим хусусиятларидан бири - экспорт ва импортнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришидир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида экспортнинг 50% идан ортиғи пахта хом-ашёси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 7,4%ни ташкил қилди. Бу эса Ўзбекистон экспортида тайёр маҳсулотлар улушининг ортиши билан боғлиқ.

Энди Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиш динамикасини жадвал ва графиклар асосида статистик таҳлил қиламиз. Ушбу жадвал ва графикларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг 2002-2014 йиллардаги ривожланиш тенденциялари келтирилган бўлиб, уларнинг йиллар давомидаги ўзгариши статистик методлар ёрдамида ўрганилади ва хулосалар қилинади. Шу асосда Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти ривожланишининг умумий тенденциялари аниқланиб, унга таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таҳлили амалга оширилади.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари⁵⁷

Млн. АҚШ доллари

Йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси, млн.дол	Шу жумладан:		Ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси
		экспорт	импорт	
2002	6212,1	3264,7	2947,4	317,3
2003	6307,3	3170,4	3136,9	33,5
2004	5700,4	2988,4	2712,0	276,4
2005	6689,2	3725,0	2964,2	760,8
2006	8669,0	4853,0	3816,0	1037,0
2007	9500,1	5408,8	4091,3	1317,5
2008	11171,4	6389,8	4781,6	1608,2
2009	15719,6	8991,5	6728,1	2263,4
2010	21197,3	11493,3	9704,0	1789,3
2001	21209,6	11771,3	9438,3	2333,0
2012	22199,2	13023,4	9175,8	3847,6
2013	25537,1	15027,2	10509,9	4517,3
2014	28003,0	14089,8	13913,2	176,60

Юқоридаги жадвалда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг абсолют натижалари келтирилган. Ушбу жадвал кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар айланиши ва шу билан бирга унинг экспорти ва импорти миқдоран ошиб борган. Масалан, 2002 йилда ташқи иқтисодий алоқалар айланиши 6212,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2014 йилда 28003,0 млн. долларга тенг бўлган ёки 2002 йилга нисбатан 4,5 марта ошган.

Лекин мутлақ кўрсаткичлар ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш тезлиги ва интенсивлигини ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларнинг нисбий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзгариш даражаларини, яъни ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларининг ўзидан олдинги йилга ҳамда базис йилга (2002 йил) нисбатан қандай тезликда ўзгарганини аниқлаш мумкин. Бошқа томондан, нисбий миқдорларни ҳисоблаш орқали ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш кўрсаткичларини ўзаро таққослашни амалга ошириш мумкин.

⁵⁷ Бу ва бундан кейинги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди, 2002-2014 йиллар.

3.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг ўзгариши, %		Экспорт миқдорининг ўзгариш, %		Импорт миқдорининг ўзгариш, %	
	2002й=100	олдинги йилга нисбатан	2000й=100	олдинги йилга нисбатан	2000й=100	олдинги йилга нисбатан
2002	100	-	100	-	100	-
2003	101,5	101,5	97,1	97,1	106,4	106,4
2004	91,8	90,4	91,5	94,3	92,0	86,5
2005	107,7	117,3	114,1	124,6	100,6	109,3
2006	139,6	129,6	148,7	130,3	129,5	128,7
2007	152,9	109,6	165,7	111,5	138,8	107,2
2008	179,8	117,6	195,7	118,1	162,2	116,9
2009	253,0	140,7	275,4	140,7	228,3	140,7
2010	341,2	134,8	352,0	127,8	329,2	144,2
2001	341,4	100,1	360,6	102,4	320,2	97,3
2012	357,4	104,7	398,9	110,6	311,3	97,2
2013	411,1	115,0	460,3	115,4	356,6	114,5
2014	450,8	112,5	431,6	93,3	472,1	132,4

Ушбу жадвал маълумотлари асосида ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси, экспорт ва импортнинг йиллар бўйича ўзгаришини кўриш мумкин. Масалан, 2014 йилда ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси 2002 йилга нисбатан 450,8 %га ортган бўлса, 2013 йилга нисбатан 112,5% (қўшимча 2,5%) ортган. Экспорт ва импорт эса 2002 йилга нисбатан мос равишда 431,6 % ва 472,1,0% га кўпайган. Эътибор билан қаралса, юқоридаги учта кўрсаткичнинг барчаси 2011 йилдан олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари пасайиш тенденциясига эга, яъни ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 100,1% ёки қўшимча 0,1% ўсган. Экспорт ва импорт эса мос равишда 102,4% (+2,4%) ва 97,3% (-2,7%)ни ташкил қилган. 2014 йилда Ўзбекистон экспорт ҳажми олдинги йилга нисбатан 93,3%гача ёки 5,8% камайган ҳолда, импорт маҳсулотлари қиймати 132,4% га ёки қўшимча 14,4% ошганини жадвалдан кўриш мумкин. Бунинг бош омили ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олаётган ва молиявий-иқтисодий инқирознинг

иккинчи тўлқини деб ном олган ва давлат ташқи қарзи билан боғлиқ бўлган янги инқирознинг бошланаётганлигидир. Бунинг оқибатида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкор мамлакатларида харид қобилятининг пасайиши кузатилиб, экспорт қилинаётган маҳсулотлар миқдорининг камайишига сабаб бўлган.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг яна бир муҳим кўрсаткичларидан бири экспорт ва импортнинг товар таркиби ҳисобланади. 2002-2014 йиллар давомида ташқи иқтисодий алоқаларнинг товар таркибида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлган. Бунда асосий эътибор экспорт таркибида пахта толаси улушининг камайиши ва тайёр маҳсулотлар улушининг ортишига қаратилади.

Иқтисодий таҳлилларда кенг қўлланиладиган кўрсаткичлардан яна бири ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланиб, унга қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

1. Экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.
2. Экспорт ва импорт эластиклиги.
3. Экспорт интенсивлиги (экспортнинг импортни қоплаш даражаси).

Энди юқоридаги кўрсаткичларни Ўзбекистон учун ҳисоблаймиз.

3.1.3-жадвал

Экспорт ва импортнинг ЯИМдаги улуши ва унинг динамикаси

Йиллар	ЯИМ, млрд. сум	Алмашув курси сўм/АҚШ доллар	ЯИМ, млн. АҚШ доллар	Экспорт, млн. АҚШ доллар	Импорт, млн. АҚШ доллар	$\frac{\text{Экспорт}}{\text{ЯИМ}}, \%$	$\frac{\text{Импорт}}{\text{ЯИМ}}, \%$
2002	3255,6	237,20	13725,1	3264,7	2947,4	23,8	21,5
2003	4925,3	424,00	11616,3	3170,4	3136,9	27,3	27,0
2004	7450,2	768,70	9691,9	2988,4	2712,0	30,8	28,0
2005	9844,0	971,40	10133,8	3725,0	2964,2	36,8	29,3
2006	12261,0	1019,23	12029,7	4853,0	3816,0	40,3	31,7
2007	15923,4	1112,92	14307,8	5408,8	4091,3	37,8	28,6
2008	21124,9	1218,72	17333,7	6389,8	4781,6	36,9	27,6

2009	28190,0	1263,45	22311,9	8991,5	6728,1	40,3	30,2
2010	38969,8	1319,65	29530,4	11493,3	9704,0	38,9	32,9
2001	49375,6	1465,64	33688,8	11771,3	9438,3	34,9	28,0
2012	62388,3	1586,18	39332,4	13023,4	9175,8	33,1	23,3
2013	77750,6	1714,80	45340,9	15027,2	10509,9	33,1	23,2
2014	96589,8	1889,73	51113,0	14150,1	12026,5	27,7	23,5

Жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда экспорт ва импортнинг ЯИМдаги улуши турли даврларда турлича бўлган. Охирги 5 йиллик маълумотларига эътибор қаратилса, экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши мос равишда 38.9%дан 27,7%гача ва 30.2% дан 23.5%гача пасайган. Бунинг асосий сабаби қуйидагича:

а) экспорт учун: мамлакат ЯИМда бошқа секторлар улушининг ортиши. Бунда экспорт миқдор жиҳатдан кўпайиб борса-да, бошқа секторлар улушининг ортиши ҳисобига унинг ЯИМдаги улуши пасайиб борган.

б) импорт учун: олдин импорт қилинган товарлар эндиликда мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарила бошланиши сабабли импортнинг ЯИМдаги улуши камайган.

Маълумки экспорт (импорт)нинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан **эластиклиги** экспорт (импорт)нинг 1% га ўзгариши ҳисобига ЯИМнинг канчага ўзгаришини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич экспорт (импорт) ўзгаришининг ЯИМ ўзгариш суръатига нисбати орқали аниқланади. Ўзбекистон Республикаси учун ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси 3.1.4-жадвалда келтирилган.

3.1.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2002-2014 йилларда экспорт ва импорт эластиклиги динамикаси

Йиллар	Олдинги йилга нисбатан % да			Экспорт эластиклиги	Импорт эластиклиги
	ЯИМ ўсиш суръатлари	экспорт ўсиш суръатлари	импорт ўсиш суръатлари		
2002	103,8	100,9	94,8	0,97	0,91
2003	104,2	97,1	106,4	0,93	1,02
2004	104,0	94,3	86,5	0,91	0,83
2005	104,2	124,6	109,3	1,20	1,05
2006	107,4	130,3	128,7	1,21	1,20
2007	107,0	111,5	107,2	1,04	1,00
2008	107,5	118,1	116,9	1,10	1,09
2009	109,5	140,7	140,7	1,28	1,28
2010	109,0	127,8	144,2	1,17	1,32
2001	108,1	102,4	97,3	0,95	0,90
2012	108,5	110,6	97,2	1,02	0,90
2013	108,3	115,4	114,5	1,07	1,06
2014	108,2	94,2	114,4	0,87	1,06

Экспорт эластиклигининг 1 дан катта бўлиши экспорт самарадорлигининг юқори бўлишини таъминлайди. Чунки фақат шу ҳолатдагина экспортнинг ЯИМдан тезроқ ўсиши кафолатланади. Ўзбекистонда эса 2002-2004, 2011 ва 2014 йилларда бу кўрсаткич 1 дан кичик бўлиб, қолган йилларда деярли бирдан катта ҳолати таъминланган. Бунинг асосий сабаби жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi натижасида экспорт ҳажмининг камайиши ҳисобланади. Импортдан олинadиган самара юқори бўлиши учун импорт эластиклиги 1 дан кичик бўлиши лозим. Лекин Ўзбекистонда аксарият йилларда ушбу кўрсаткич 1 дан катта. Бу миллий иқтисодиёт олдига импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш талабини қўяди.

Ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи кейинги кўрсаткич - ташқи иқтисодий алоқаларнинг интенсивлиги, яъни мамлакат экспортининг импортига нисбати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич мамлакат экспорти импорти қай даражада қоплаётганини кўрсатади. Энди 2002-2014 йилларда Ўзбекистон учун ташқи иқтисодий алоқалар интенсивлигини ҳисоблаймиз.

3.1.5-жадвал**Ўзбекистон Республикасида 2002-2014 йилларда ташқи
иқтисодий алоқалар интенсивлиги динамикаси**

Йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси, млн.дол	Экспорт, млн. доллар	Импорт, млн. доллар	Ташқи иқтисодий алоқалар интенсивлиги
2002	6212,1	3264,7	2947,4	1,11
2003	6307,3	3170,4	3136,9	1,01
2004	5700,4	2988,4	2712	1,10
2005	6689,2	3725	2964,2	1,26
2006	8669	4853	3816	1,27
2007	9500,1	5408,8	4091,3	1,32
2008	11171,4	6389,8	4781,6	1,34
2009	15719,6	8991,5	6728,1	1,34
2010	21197,3	11493,3	9704	1,18
2001	21209,6	11771,3	9438,3	1,25
2012	22199,2	13023,4	9175,8	1,42
2013	25537,1	15027,2	10509,9	1,43
2014	28003,0	14089,8	13913,2	1,18

Жадвал маълумотларига кўра, 2002-2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида экспортнинг импортдан устунлиги сақланиб қолган. Масалан, 2002 йилда 1 доллар импорт эвазига 1.11 доллар экспорт қилинган бўлса, 2008 ва 2014 йилларда бу кўрсаткич мос равишда 1.34 ва 1.18 долларни ташкил этган. Кўрсаткичлар динамикасининг бундай сақланиши мамлакатга қаттиқ валюталар оқимини кучайтириб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиради.

«§3.2.» Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар билан танишиб чиқамиз. Унда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратамиз:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.
2. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборотлар базасини такомиллаштириш.
3. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг ҳудудлараро тақсимотини тартибга солиш.
4. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг тармоқ таркибини статистик баҳолаш;
5. Ишлаб чиқарувчиларнинг “экспорт фаоллиги”ни ошириш йўналишлари.
6. Херфиндал-Хиршман индекси ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларда ҳудудлар рақобатбардошлигини баҳолаш.
7. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг бошқа самарадорлик кўрсаткичларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий бўғини - **экспортни рағбатлантириш ва импорт ўрнини босувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни** ўз ичига олади. Экспортни рағбатланирувчи омиллар қаторига турли ҳуқуқий ва иқтисодий омилларни қўшиш мумкин. Ҳуқуқий омиллар экспортчиларнинг эркин фаолият юритишини таъминласа, иқтисодий омиллар, яъни турли солиқ ва божхона имтиёзлари, субсидия ва дотациялар экспорт қилишдан манфаатдорликни оширади. Импорт ўрнини

босувчи товарлар ишлаб чиқариш мамлакатдан қаттиқ валюта чиқиб кетишининг олдини олади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатувчи кейинги омил - миллий валютанинг алмашув курси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, миллий валюта курсининг хорижий валюта курсига нисбатан паст бўлиши ички ишлаб чиқарувчиларни ўз маҳсулотларини экспорт қилишга ундайди. Бунга Япония тажрибаси яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистонда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан яна бири - **ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборотлар базаси** ва унинг таркибига кирувчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Ахборотлар базаси ташқи иқтисодий алоқаларни статистик ўрганиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг асоси ҳисобланади. Етарлича ахборот мавжуд бўлмас экан, ушбу соҳада амалга оширилган статистик Тадқиқотларда кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Шу сабабдан энг аввало, ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборотларнинг асосий базаси ҳисобланган статистика ва божхона органларининг фаолиятини оптималлаштириш ва жаҳон стандартларига мослаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўринда қабул қилинаётган ахборотларнинг холислиги, ишончлилиги ва тезкорлигини таъминлаш статистик таҳлилларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ахборот базасини такомиллаштиришнинг иккинчи йўналиши - статистик ҳисоботларнинг **электрон тизимини** жорий этиш. Ушбу тизим ҳам маблағни, ҳам вақтни тежаш имконини беради. Учинчидан, ахборотлар базасини **қайта ишлаш тизимини** (дастурий таъминотни) мустаҳкамлаш лозим. Юқоридаги вазифаларнинг ҳал этилиши статистик Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат - статистик Тадқиқотларда қўлланиладиган ташқи иқтисодий алоқалар **кўрсаткичлар тизимидир**. Ушбу тизим таркибига кирувчи кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқаларнинг турли жиҳатларини ўзида

акс эттириб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг айни пайтдаги ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беради. Афсуски, республикада дунёнинг кўплаб мамлакатларида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган индикаторлар ҳали-хануз ҳисобланмайди. Экспорт ва импорт нархлари индекси, экспорт ва импортнинг самарадорлик кўрсаткичлари шулар жумласидандир. Агар ушбу кўрсаткичлар тизими ҳисобланса ва улар асосида керакли статистик таҳлиллар амалга оширилиб, зарурий хулоса ва таклифлар чиқарилса, ташқи иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланиши учун замин яратилади.

Ўзбекистонда ривожлантирилиши лозим бўлган яна бир йўналиш ташқи иқтисодий алоқаларнинг **худудий таркибидир**. Қуйидаги жадвал бизга минтақаларнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги улуши тўғрисида тўлиқ маълумот беради.

3.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг худудлар бўйича тақсимланиши (2014 йил)⁵⁸

Худудлар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси		Экспорт		Импорт		Сальдо, млн. АҚШ долларлари
	млн. АҚШ долларлари	олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	млн. АҚШ долларлари	олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	млн. АҚШ дол	олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати, %	
Ўзбекистон Республикаси	28003,0	99,1	14089,8	98,4	13913,2	108,8	176,6
Қорақалпоғистон Республикаси	214,3	142,0	114,0	107,4	100,3	102,2	13,7
Андижон	2871,3	120,3	895,2	99,2	1976,1	133,1	-1080,9
Бухоро	929,2	108,0	377,2	140,6	552,0	93,3	-174,8
Жиззах	175,6	64,9	115,3	58,4	60,3	82,5	55,0
Қашқадарё	750,1	129,2	343,1	74,2	407,0	103,4	-63,9
Навоий	1082,1	107,2	522,5	84,6	559,6	143,1	-37,1
Наманган	222,2	109,7	87,1	105,2	135,1	112,8	-48,0
Самарқанд	674,3	124,5	142,0	106,6	532,3	130,3	-390,3
Сурхондарё	277,8	103,1	211,2	103,7	66,6	101,4	144,6
Сирдарё	259,6	148,3	133,6	130,2	126,0	173,8	7,6
Тошкент вилояти	2894,8	79,9	1736,8	77,4	1158,0	84,0	578,8
Фарғона	975,0	89,8	380,1	88,0	594,9	91,0	-214,8
Хоразм	233,7	80,2	155,3	75,3	78,4	92,2	76,9
Тошкент шаҳри	13044,1	118,4	7474,2	134,9	5569,9	101,6	1904,3

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди. 2014 йил.

Жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳудудий тақсимоотида кучли табақалашув мавжуд. Бу бевосита ҳудудларнинг ривожланиш даражалари билан боғлиқ. Масалан, Тошкент шаҳри инфратузилма нуқтаи назаридан энг ривожланган ҳудуд бўлгани учун унинг ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг 50%идан ортиғини ташкил этмоқда. Бу борада энг паст кўрсаткич Жиззах, Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Хоразм вилоятларига тўғри келади. Уларнинг савдо айланмаси 250 млн. АҚШ долларига ҳам етмайди. Экспорт ҳажми ҳам худди шундай. Экспорт бўйича энг паст кўрсаткич Наманган вилоятига тегишли бўлиб, 87.1 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Энди соф экспорт (экспорт ва импорт орасидаги фарқ)га эътибор қаратамиз. Бу бўйича энг паст кўрсаткич Андижон вилоятига тегишли. У -1080.9 млн.АҚШ долларини ташкил қилган. Бу унинг импорти экспортидан анча юқори эканлигини англатади. Ўсиш суръатларидаги энг паст кўрсаткич ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси ва экспорт бўйича Жиззах вилоятига тегишли бўлиб, улар мос равишда 64.9 % (қўшимча 35.1% камайган) ва 58.4% ни (қўшимча 41.6% камайган) ташкил этади. Кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги 14 та ҳудуднинг 7 тасида, яъни тенг ярмида ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси манфий ҳисобланади. Бу, биринчидан, ҳудудларнинг ихтисослашувига, иккинчидан ушбу ҳудудлардаги инфратузилма элементларининг ривожланиш даражалари билан боғлиқ. Масалан, Жиззах ва Хоразм вилоятлари асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга ихтисослашган. Иккинчидан, ушбу ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг қурилишига тўсқинлик қилади. Бу эса экспорт камайишининг бош омилидир.

3.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларининг худудлар бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан % да)

Худудлар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси	Экспорт	Импорт
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	0,8	0,8	0,8
Андижон	11,0	6,3	16,4
Бухоро	3,5	2,7	4,6
Жиззах	0,7	0,8	0,5
Қашқадарё	2,9	2,4	3,4
Навоий	4,1	3,7	4,7
Наманган	0,8	0,6	1,1
Самарқанд	2,6	1,0	4,4
Сурхондарё	1,1	1,5	0,6
Сирдарё	1,0	0,9	1,0
Тошкент вилояти	11,1	12,3	9,6
Фарғона	3,7	2,7	4,9
Хоразм	0,9	1,1	0,7
Тошкент шаҳри	49,8	52,8	46,3

Юқоридаги жадвал маълумотлари ташқи иқтисодий алоқаларнинг худудий таркибини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистонда кўплаб чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Чунки ташқи иқтисодий алоқалардаги бундай табақалашув худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги, демак, аҳолининг турмуш фаровонлигидаги фарқланишга сабаб бўлади. Шунинг учун ушбу табақалашувни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилиши лозим бўлган соҳалардан яна бири ташқи иқтисодий алоқаларнинг тармоқ таркибидир. Экспорт ва импорт таркибига эътибор қаратилса, 2014 йилда экспортнинг учдан бир қисми (34.8%) энергия ресурслари ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларни эса хизматлар (16.3%) ва пахта толаси (8.9%) эгаллайди. Ривожланган мамлакатлар экспортининг структурасига эътибор қаратилса, аксинча ҳолатни кузатиш мумкин, яъни хизматлар экспорти ташқи иқтисодий алоқалар айланишининг ярмидан кўпини ташкил этади. Демак, келажакда

Ўзбекистонда хизматлар экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки хизмат соҳасининг экспорти ўзини тез оқлайди ва қилинган харажатлар бошқа соҳаларга нисбатан тезроқ қопланади. Импорт таркибида эса машина ва ускуналар импортининг юқорилиги (жами импортнинг 45.4 %) ижобий ҳолат ҳисобланиб, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш имконини беради.

Энди ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган Херфиндал-Хиршман, яъни ташқи иқтисодий алоқаларда ҳудудларнинг монополлашув даражаси индексини Ўзбекистон Республикаси учун ҳисоблаймиз. Унда ҳар бир ҳудуднинг мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларидаги улушлари (S)нинг квадратлари йиғиндиси олинади ва айти пайтда мамлакатда ташқи иқтисодий алоқаларнинг табақалашувига баҳо берилади. Ушбу кўрсаткични экспорт ва импорт учун ҳам ҳисоблаш мумкин. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон учун Херфиндал-Хиршман индекси ҳисобланган (3.2.3-жадвал).

3.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг монополлашув даражаси

Ҳудудлар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси	$S^2_{\text{таш.савдо}}$	Экспорт	$S^2_{\text{экспорт}}$	Импорт	$S^2_{\text{импорт}}$
Қорақалпоғистон Рес	0,8	0,7	0,8	0,6	0,8	0,7
Андижон	11,0	120,3	6,3	40,0	16,4	270,0
Бухоро	3,5	12,6	2,7	7,1	4,6	21,1
Жиззах	0,7	0,5	0,8	0,7	0,5	0,3
Қашқадарё	2,9	8,2	2,4	5,9	3,4	11,5
Навоий	4,1	17,1	3,7	13,6	4,7	21,7
Наманган	0,8	0,7	0,6	0,4	1,1	1,3
Самарқанд	2,6	6,6	1,0	1,0	4,4	19,6
Сурхондарё	1,1	1,1	1,5	2,2	0,6	0,3
Сирдарё	1,0	1,0	0,9	0,9	1,0	1,1
Тошкент вилояти	11,1	122,3	12,3	150,7	9,6	92,7
Фарғона	3,7	13,9	2,7	7,2	4,9	24,5
Хоразм	0,9	0,8	1,1	1,2	0,7	0,4
Тошкент шаҳри	49,8	2483,1	52,8	2790,0	46,3	2144,9
Жами	100,0	2788,9	100	3021,6	100	2609,9

Демак, ташқи иқтисодий алоқаларда ҳудудлар улушлари квадратларининг йиғиндиси ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси учун 2788.9, экспорт учун 3021.6 ва импорт учун 2609.9 га тенг. Херфиндал-Хиршман индексининг қийматлари ва ушбу қийматдаги монополлашув даражаси қуйидагича:

1. Юқори монополлашган бозор, агар $1800 < \text{HHI} < 10000$ бўлса.
2. Ўртача монополлашган бозор, агар $1000 < \text{HHI} < 1800$ бўлса.
3. Паст даражада монополлашган бозор, агар $\text{HHI} < 1000$ бўлса.

Бундан кўринадики, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятида ҳудудлараро юқори даражадаги монополлашув мавжуд. Бунда Тошкен шаҳри яққол монопол ҳисобланади. Монополлашув бўйича кейинги ўринларни Тошкент ва Андижон вилоятлари эгалламоқда. Экспорт ва импортдаги монополлашув даражаси ҳақида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

1. Ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва экспорт қилувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоялашни янада кучайтириш.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборотлар базасини ривожлантириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш.
3. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида статистика органларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятига энг сўнгги фан ютуқларини жорий қилиш.
4. Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ҳисоботларни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг электрон тизимини яратиш ва бошқариш.
5. Ташқи иқтисодий алоқалар учун зарурий инфратузилма элементларини ривожлантириш ва шу орқали ташқи иқтисодий

алоқалардаги ҳудудий мутаносибликни таъминлаш.

6. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг товар таркибини такомиллаштириш. Экспортда хизматлар улушининг ортишига эришиш.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича статистик Тадқиқотларда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш ва шу орқали уларнинг самарадорлигини ошириш.

8. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг илмий асосланган прогнозини амалга ошириш.

Юқоридаги масалаларнинг тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиниши Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг барқарорлигини таъминлайди. Илмий муассасалар ва ишлаб чиқарувчиларнинг илмий-амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини, айниқса, статистик Тадқиқотлар натижаларини жорий этилиши ташқи иқтисодий алоқаларга салбий таъсир етиши мумкин бўлган омилларга олдиндан тайёрланиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

«§3.3.» Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари кўрсаткичларини статистик прогнозлаш

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим элементларидан бири - ташқи иқтисодий алоқаларни прогнозлаш ҳисобланади. Прогнозлаш натижасида мамлакатнинг келгусидаги ташқи иқтисодий алоқалар истиқболлари, уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини оптималлаштириш масалалари ҳал қилинади. Экспорт ва импорт ҳажми, таркиби ва ташқи иқтисодий алоқалар нархлари динамикаси мамлакатдаги ЯИМ, давлат бюджети даромадлари, чакани савдо нархлари ва аҳолининг турмуш фаровонлигига бевосита таъсир этгани сабабли, унинг келажакдаги ҳолатини прогнозлаш катта аҳамият касб этади.

Ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини прогнозлашда корреляцион-регрессион таҳлил элементларидан кенг фойдаланилади. Бу усул ёрдамида ташқи иқтисодий алоқалар ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланиш ўрганилиб, ушбу жараёнини фойдаловчи математик модел тузилади ва унинг ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг келажакдаги ҳолати прогноз қилинади. Математик моделни танлашда омил ва натижавий белги орасидаги назарий боғланиш ҳисобга олинади. Агар омил белгининг арифметик прогрессия бўйича ўзгариши, натижавий белгининг ҳам арифметик прогрессия бўйича ўзгаришига сабаб бўлса, бундай боғланиш чизиқли боғланиш ҳисобланади, акс ҳолда эса чизиқли бўлмаган боғланиш моделларидан фойдаланилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзгаришига бир вақтнинг ўзида бир неча омиллар таъсир этгани учун уни таҳлил қилишда жуфт регрессия тенгламасидан фойдаланиш жараёнини тўлиқ ёритиш имконини бермайди. Шунинг учун одатда ташқи иқтисодий алоқаларни прогнозлашда кўп омилли регрессия тенгламасидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ушбу тенглама натижавий белгининг бир неча омиллар таъсирида қандай ўзгаришини кўрсатади. Одатда, математик статистикада натижавий белги

“Y”, омил белги эса X_i ($i=1,2,3,\dots,n$) , билан белгиланади. Y ва X орасидаги боғланиш эса $Y=f(x_i)$ функция орқали ифодаланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар статистикасида натижавий белги сифатида ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси, экспорт ва импорт ҳажмини олиш мумкин. Омил белгилар сифатида эса ЯИМнинг ўсиш суръатлари, экспорт (импорт)нинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашув курси, мамлакатдаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари, товар турларининг экспорт нархлари ва бошқа бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси экспорт ва импортнинг йиғиндисига тенг. Шунинг учун ташқи иқтисодий алоқаларни статистик прогнозлашни экспорт ва импортнинг истиқболини прогнозлаш орқали амалга оширамыз. Ушбу икки кўрсаткич прогноз кўрсаткичларининг йиғиндиси ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг прогноз кўрсаткичларига тенг бўлади.

Экспорт ва импорт кўрсаткичларининг прогнозини амалга ошириш учун уларнинг ҳажмига таъсир этувчи қуйидаги омилларни оламыз:

1. ЯИМнинг ўсиш улуши (x_1).
2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (x_2).
3. Экспортда энергия ресурсларининг улуши (x_3).
4. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати (x_4).
5. Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши (x_5).
6. Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси (x_6).
7. Олтиннинг нархи (x_7).

Омил ва натижавий белги орасидаги боғлиқликни жадвал шаклида ифодалаймиз. Ушбу жадвалнинг 1-устунида вақт омили, 2-устунида натижавий белги, яъни ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси ҳажми, қолган 7 та устунда эса омил белгиларнинг ўзгариш динамикалари акс эттирилади (3.3.1-жадвал).

Экспорт ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар орасидаги микдорий боғланишлар

Йиллар	Вақт омили (t)	Экспорт ҳажми, млрд.дол	ЯИМ ўсиш суръатлари,%	Саноат иш.чиқ. ўсиш суръати,%	Энергия ресурсларининг улуши,%	Асосий кап.га инв.ўс.суръати	Инвестициянинг ЯИМдаги улуши,%	Алмашув курси сум/дол	Олтин нархи, долл.
	t	y	x1	x2	x3	x4	x5	x6	x7
2002	1	3264,7	1,040	1,013	0,103	1,01	0,229	237,2	279,17
2003	2	3170,4	1,042	1,027	0,102	1,04	0,268	424,0	271,05
2004	3	2988,4	1,074	1,034	0,081	1,036	0,205	768,7	310,04
2005	4	3725,0	1,070	1,030	0,098	1,048	0,201	971,4	363,53
2006	5	4853,0	1,075	1,064	0,124	1,073	0,214	1019,2	409,23
2007	6	5408,8	1,095	1,038	0,115	1,057	0,199	1112,9	444,8
2008	7	6389,8	1,090	1,062	0,131	1,093	0,191	1218,7	604,3
2009	8	8991,5	1,081	1,066	0,202	1,258	0,209	1263,5	696,7
2010	9	11493,3	1,085	1,068	0,247	1,341	0,245	1319,7	871,7
2001	10	11771,3	1,083	1,041	0,342	1,248	0,254	1465,6	973,0
2012	11	13023,4	1,082	1,042	0,228	1,087	0,246	1586,2	1224,7
2013	12	15027,2	1,080	1,034	0,185	1,079	0,235	1714,8	1400,0
2014	13	14089,8	1,081	1,077	0,348	1,116	0,228	1889,7	1600,5
Ўртача қиймат		8019,8	1,1	1,0	0,2	1,1	0,2	1153,2	726,8
Ўртача квадратик тафовут		4369,4	0,02	0,0187	0,088	0,1	0,0229	460,6	434,7

Омил белгининг натижавий белгига ва ҳар бир омилнинг бошқа омилга таъсирини корреляция коэффицентлари орқали ҳисоблаймиз. Унда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$r_{xy} = \frac{\sum (x_i - \bar{x}_i)(y_i - \bar{y}_i)}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x}_i)^2 \sum (y_i - \bar{y}_i)^2}} = \frac{n \sum x_i y_i - \sum x_i \sum y_i}{\sqrt{[\sum x_i^2 - (\sum x_i)^2/n][\sum y_i^2 - (\sum y_i)^2/n]}} \quad (3.1)^{59}$$

Ушбу формуладаги x_i ва y_i омил ва натижавий белгининг мос қийматлари.

$\bar{x}_i = \frac{\sum x_i}{n}$ ва $\bar{y}_i = \frac{\sum y_i}{n}$ га тенг. Омиллар орасидаги боғланиш кучи ва йўналишини аниқлашда y_i ўрнига мос x лар қиймати қўйилади. Корреляция коэффиценти $-1 \leq r_{xy} \leq 1$ ораликда ўзгаради. Агар $-1 \leq r_{xy} < 0$ бўлса, омил ва натижавий белги орасида тескари, $0 < r_{xy} \leq 1$ бўлса, тўғри боғланиш мавжуд бўлади. Агар $r_{xy} = 0$ бўлса, боғланиш мавжуд эмас.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида корреляция коэффицентларини ҳисоблаймиз ва натижаларни жадвал кўринишида ифодалаймиз.

3.3.2-жадвал

Омил ва натижавий белги орасидаги корреляцион боғланиш кучи

	у	x ₁	x ₂	x ₃	x ₄	x ₅	x ₆	x ₇
у	1,00	0,80	0,45	0,84	0,52	0,38	0,90	0,97
x ₁	0,80	1,00	0,74	0,70	0,71	0,09	0,82	0,70
x ₂	0,45	0,74	1,00	0,53	0,59	-0,17	0,62	0,45
x ₃	0,84	0,70	0,53	1,00	0,65	0,44	0,76	0,82
x ₄	0,52	0,71	0,59	0,65	1,00	0,26	0,45	0,35
x ₅	0,38	0,09	-0,17	0,44	0,26	1,00	0,04	0,32
x ₆	0,90	0,82	0,62	0,76	0,45	0,04	1,00	0,90
x ₇	0,97	0,70	0,45	0,82	0,35	0,32	0,90	1,00

Корреляция коэффиценти икки белги орасидаги боғланиш кучини кўрсатади. Корреляция коэффицентининг қийматига кўра боғланиш кучи қуйидагича бўлиши мумкин: $0,1 \leq r_{xy} \leq 0,3$ -боғланиш бўш; $0,3 \leq r_{xy} \leq 0,5$ -боғланиш ўртамиёна; $0,5 \leq r_{xy} \leq 0,7$ -сезиларли; $0,7 \leq r_{xy} \leq 0,9$ -яхши ва $r_{xy} \geq 0,9$ -

⁵⁹ Елесева И.И. Эконометрика: учебное пособие. -М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65.

жуда яхши. Жадвал маълумотларини ушбу кўрсаткичлар билан таққослаб, x_2 , x_4 ва x_5 омилларнинг натижавий белги ва бошқа омилларга таъсир кучи паст эканлигини кўриш мумкин. Демак, ушбу омилларни чиқариб ташлаш мумкин. У ҳолда натижавий белги ва унга таъсир этувчи тўртта омил ўртасидаги боғланиш қолади. Улар қуйидаги жадвалда келтирилган:

3.3.3-жадвал

Омил ва натижавий белги орасидаги корреляцион боғланиш кучи (натижавий жадвал)

r	y	x₁	x₂	x₃	x₄
Y	1,00	0,80	0,84	0,90	0,97
X₁	0,80	1,00	0,70	0,82	0,70
X₂	0,84	0,70	1,00	0,76	0,82
X₃	0,90	0,82	0,76	1,00	0,90
X₄	0,97	0,70	0,82	0,90	1,00

Ушбу янги жадвалда омиллар тақсимооти қуйидагича: x_1 - ЯИМ ўсиш суръатлари, x_2 - экспортда энергия ресурслари улуши, x_3 -миллий валютанинг алмашув курси ва x_4 - олтин нархи.

Энди юқоридаги маълумотлар асосида экспорт учун регрессия тенгламасини тузамиз. Унинг умумий кўриниши $y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4$ (3.2)⁶⁰ шаклида бўлади. a_0 -регрессия коэффиценти дейилади. Тенгламанинг номаълум ҳадларини топиш учун стандартлашган регрессия тенгламасидан фойдаланамиз. Ушбу тенглама жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси асосига қурилади. Унинг умумий кўриниши қуйидагича:

$t_{y_i} = \beta_1 t_{x_1} + \beta_2 t_{x_2} + \beta_3 t_{x_3} + \beta_4 t_{x_4}$ (3.3)⁶¹, бу ерда, β -регрессиянинг стандартлашган коэффиценти, $t_{y_i} = \frac{y_i - \bar{y}}{\delta_y}$ ва $t_{x_i} = \frac{x_i - \bar{x}}{\delta_x}$ га тенг. Ушбу

тенгламадаги номаълум ҳадларни топиш учун қуйидаги тенгламалар

⁶⁰ Ўша манба.

⁶¹ Ўша манба.

системасидан фойдаланилади:

$$\begin{cases} r_{yx_1} = \beta_1 + \beta_2 r_{x_2 x_1} + \beta_3 r_{x_3 x_1} + \beta_4 r_{x_4 x_1} \\ r_{yx_2} = \beta_1 r_{x_2 x_1} + \beta_2 + \beta_3 r_{x_3 x_2} + \beta_4 r_{x_4 x_2} \\ r_{yx_3} = \beta_1 r_{x_3 x_1} + \beta_2 r_{x_3 x_2} + \beta_3 + \beta_4 r_{x_4 x_3} \\ r_{yx_4} = \beta_1 r_{x_4 x_1} + \beta_2 r_{x_4 x_2} + \beta_3 r_{x_4 x_3} + \beta_4 \end{cases} \quad r_{xy} - \text{хусусий корреляция коэффициентлари (3.4)}^{62}$$

3.10.1-жадвал маълумотларини ушбу тенгламалар системасига қўйсак, куйидаги система ҳосил бўлади:

$$\begin{cases} \beta_1 + 0,7\beta_2 + 0,82\beta_3 + 0,7\beta_4 = 0,8 \\ 0,7\beta_1 + \beta_2 + 0,76\beta_3 + 0,82\beta_4 = 0,84 \\ 0,82\beta_1 + 0,76\beta_2 + \beta_3 + 0,9\beta_4 = 0,9 \\ 0,7\beta_1 + 0,82\beta_2 + 0,9\beta_3 + \beta_4 = 0,97 \end{cases}$$

Ушбу тенгламалар системасини матрицалар усулида ечиш учун уни матрицаларга жойлаштирамиз.

$$\beta = \begin{pmatrix} \beta_1 \\ \beta_2 \\ \beta_3 \\ \beta_4 \end{pmatrix} \quad \text{ва} \quad r = \begin{pmatrix} 1 & 0,7 & 0,82 & 0,7 \\ 0,7 & 1 & 0,76 & 0,82 \\ 0,82 & 0,76 & 1 & 0,9 \\ 0,7 & 0,82 & 0,9 & 1 \end{pmatrix}, \quad Y = \begin{pmatrix} 0,8 \\ 0,84 \\ 0,9 \\ 0,97 \end{pmatrix}$$

Матрицаларни кўрпайтириш қондасига кўра $Y = \beta \cdot r$. Агар ушбу тенгликнинг ҳар икки тарафини r^{-1} га, яъни r матрицага тескари матрицага кўпайтирсак, у ҳолда $\beta = Y \cdot r^{-1}$ ҳосил бўлади. Демак, β катталикларни топиш учун Y матрицани r матрицанинг тескарисига кўпайтириш лозим. r матрицага тескари матрицани топишда MS EXCEL дастуридаги “МОБР” функциясидан фойдаланамиз. У ҳолда r матрицага тескари матрица куйидагига тенг бўлади.

r матрицага тескари матрица элементлари

3,473	-1,073	-3,379	1,489
-1,073	3,398	0,719	-2,680
-3,379	0,719	8,719	-6,086
1,489	-2,680	-6,086	7,644

У ҳолда $a = Y \cdot X^{-1}$ га кўра

⁶² Ўша манба.

$$\beta = \begin{pmatrix} -3,473 & -1,073 & -3,379 & 1,489 \\ -1,073 & 3,398 & 0,719 & -2,680 \\ -3,37 & 0,719 & 8,719 & -6,086 \\ 1,489 & -2,680 & -6,086 & 7,644 \end{pmatrix} \times \begin{pmatrix} 0,8 \\ 0,84 \\ 0,9 \\ 0,97 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 0,2806 \\ 0,0433 \\ -0,1547 \\ 0,8771 \end{pmatrix}$$

Демак, $\beta_1 = 0,2806$, $\beta_2 = 0,0433$, $\beta_3 = -0,1547$ ва $\beta_4 = 0,8771$. У ҳолда регрессия тенгламасининг стандарт кўриниши қуйидагича бўлади:

$$t_y = 0,2806t_{x1} + 0,0433t_{x2} - 0,1547t_{x3} + 0,8771t_{x4}$$

3.2-формуладаги **a** коэффицентлар ва стандартлашган регрессия коэффиценти β орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$a_i = \beta_i \frac{\delta_y}{\delta_x} \quad (3.5)^{63}, \quad \delta_y \text{ ва } \delta_x \text{ мос равишда } x_i \text{ ва } y \text{ бўйича ўртача квадратик}$$

тафовутлар. 3.3.1-жадвал маълумотларига асосан, $a_1 = 0,2806 \cdot \frac{4369,4}{0,02} = 61302,7$.

Худди шунга ўхшаш, $a_2 = 2157,3$, $a_3 = -1,5$ ва $a_4 = 8,82$ га тенг бўлади.

$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + a_4x_4$ га кўра, $a_0 = y - a_1x_1 - a_2x_2 - a_3x_3 - a_4x_4$. Бундан,

$a_0 = 8019,8 - 61302,7 \cdot 1,1 - 2157,3 \cdot 0,18 + 1,5 \cdot 1153,2 - 8,82 \cdot 726,8 = -62576,3$. Демак,

регрессия тенгламасининг умумий кўриниши

$y = -62576,3 + 61302,7x_1 + 2157,3x_2 - 1,5x_3 + 8,82x_4$ **(3.6-формула)**дан иборат бўлади.

Энди ушбу тенгламанинг ишончлилик даражасини баҳолаймиз. Бунинг учун Фишер ва Стьюдент методларидан фойдаланамиз. Фишер методи бўйича текширишда, аввал ушбу кўп омили регрессия тенгламаси учун умумий корреляция коэффицентини ҳисоблаймиз:

$$R_{yx_i} = \sqrt{\sum r_{yx_i} \cdot \beta_i} \quad (3.7)^{64}.$$

Демак, $R_{yx_i} = \sqrt{0,8 \cdot 0,2806 + 0,84 \cdot 0,0433 - 0,9 \cdot 0,1547 + 0,97 \cdot 0,8771} = 0,9861$ га

тенг. Агар ушбу кўрсаткични квадратга оширсак, кўп омили детерминация коэффиценти келиб чиқади, яъни $R_{yx_i}^2 = 0,9724$. Детерминация коэффиценти ҳисобга олинган омилларнинг натижавий белгига таъсирини ифодалайди. Ушбу мисолда, таъсир 97,24% ни ташкил этиб, ҳисобга олинмаган

⁶³ Еселеева И.И. Эконометрика: учебное пособие -М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65.

⁶⁴ Ўша манба.

омилларнинг таъсири 2,76% га тенг. Энди ушбу қиймат орқали Фишер коэффицентини ҳисоблаймиз:

$$F_{\text{ҳақиқий}} = \frac{R_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} : \frac{m}{n - m - 1} \quad (3.8)^{65}. \text{ Бу ерда, } m\text{-омиллар сони, } n\text{-кузатишда}$$

катнашаётган элементлар сони. Ушбу мисолда $m=4$ ва $n=13$. У ҳолда,

$$F_{\text{ҳақиқий}} = \frac{0,9861^2}{1 - 0,9861^2} : \frac{4}{13 - 4 - 1} = 70,4. \text{ Энди ушбу қийматни жадвал кўрсаткичлари}$$

билан солиштирамиз. Фишер тақсимот жадвалига кўра, 8 ($8=13-4-1$)

эркинлик даражасида 0,05 эҳтимоллик билан $F_{\text{жад}} = 3,84$ га тенг ва

$F_{\text{ҳақиқий}} > F_{\text{жад}}$. Демак, 95% аниқликда айтиш мумкинки, юқоридаги регрессия

тенгламаси иқтисодий жихатдан маънога эга. Фишер методининг аҳамиятли

томони шундаки, унинг ёрдамида ҳар бир омилнинг қай даражада маънога

эга эканлигини ҳам текшириб кўриш мумкин. Бунинг учун хусусий Фишер

коэффицентларидан фойдаланилади:

$$F_{xi} = \frac{R_{yx_i}^2 - r_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} \cdot \frac{n - m - 1}{1} \quad (3.9)^{66}. \text{ Бундан, } F_{x1} = \frac{R_{yx_i}^2 - r_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} \cdot \frac{n - m - 1}{1} =$$

$$= \frac{0,9724 - 0,8^2}{1 - 0,9724} \cdot \frac{8}{1} = 96,32 \text{ шунга ўхшаш } F_{x2} = 77,3, F_{x3} = 47,1 \text{ ва } F_{x4} = 9,1. \text{ Энди ушбу}$$

қийматларни жадвал қийматлари билан таққослаймиз. Жадвалга кўра,

$F_{\text{жад}}(8,1)=5,32$; $F_{\text{жад}}(8,2)=4,46$; $F_{\text{жад}}(8,3)=4,07$; $F_{\text{жад}}(8,4)=3,84$. Демак, ҳар 4 та

омил бўйича Фишер коэффицентининг ҳақиқий қийматлари, унинг

жадвалдаги қийматларидан катта. Бу уларнинг ҳар бири иқтисодий маънога

эга эканлигидан далолат беради. Бу фикрни Стьюдентнинг t-критерийси

бўйича ҳам текшириш мумкин. Бунда Фишер ва Стьюдент критерийлари

орасидаги боғланишдан фойдаланамиз, яъни $t_{ai} = \sqrt{F_{xi}} \quad (3.10)^{67}$. У ҳолда t нинг

қийматлари қуйидагиларга тенг бўлади: $t_{a1} = \sqrt{F_{x1}} = \sqrt{96,32} = 9,81$ ва $t_{a2}=8,8$,

$t_{a3}=6,86$ ҳамда $t_{a4}=3,02$. Стьюдент t-критерийси жадвалига кўра, $n=13$

бўлганда, $t=2,16$ га тенг бўлади. Демак, t нинг барча ҳақиқий қийматлари

⁶⁵ Ўша манба.

⁶⁶ Ўша манба.

⁶⁷ Ўша манба.

унинг жадвал кўрсаткичларидан катта. Бундан хулоса қилиш мумкинки, барча омиллар иқтисодий жиҳатдан маънога эга экан.

Энди амалга оширилиши лозим бўлган иш - натижавий белги y нинг вақтга боғлиқлигини ифодалашдир. Бунинг учун дастлаб ҳар бир омил белгининг вақт бўйича ўзгариш моделини тузиб олиш талаб қилинади. Бунда юқорида натижавий белги учун қўлланилган энг кичик квадрат усулидан фойдаланилади. Омил белгининг вақтга боғлиқлигини умумий ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин: $x(t) = b_0 + b_1 t$. Бу ердан b катталикларни топиш учун энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади: $\sum (x_i(t) - \hat{x}_i(t))^2 \rightarrow \min$. Масалан x_1 омил учун b_0 ва b_1 ни ҳисоблаш қуйидаги тенгламалар системаси асосида амалга оширилади.

$$\begin{cases} nb_0 + b_1 \sum t = \sum x \\ b_0 \sum t + b_1 \sum t^2 = \sum xt \end{cases} \text{ бундан, } b_0 = \frac{\sum x \sum t^2 - \sum t \sum xt}{N \sum t^2 - (\sum t)^2} \text{ ва } b_1 = \frac{N \sum xt - \sum x \sum t}{N \sum t^2 - (\sum t)^2} \quad (3.11)^{68}$$

Ушбу тенгламадаги ноъмалум ҳадларни топиш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

3.3.4-жадвал

Натижавий белгининг вақтга боғлиқлигини ифодалаш

Йиллар	Вақт омили (t)	ЯИМ ўсиш суръатлари, %	Ҳисоблашлар	
			$t \cdot x_1$	t^2
2002	1	1,040	1,038	1
2003	2	1,042	2,084	4
2004	3	1,074	3,120	9
2005	4	1,070	4,168	16
2006	5	1,075	5,370	25
2007	6	1,095	6,420	36
2008	7	1,090	7,525	49
2009	8	1,081	8,760	64
2010	9	1,085	9,810	81
2001	10	1,083	10,810	100
2012	11	1,082	11,935	121
2013	12	1,080	12,996	144
2014	13	1,081	14,066	169

⁶⁸Еселеева И.И. Эконометрика: учебное пособие. -М.: Финансы и статистика, 2001 г. стр.5-65.

Жадвал маълумотларини **3.11-формулага** қўйиб, $b_0=1,04$ ва $b_1=0,0045$ эканлигини топиш мумкин. Демак, $x_1(t) = 1,04 + 0,0045t$. Шундай тарзда қолган омилларнинг ҳам вақтга боғлиқлик моделини тузиш мумкин: $x_2(t) = 0,041 + 0,02t$, $x_3(t) = 311,9 + 120,2t$ ва $x_4(t) = -51,5 + 111,2t$. Ҳосил бўлган натижаларни **3.6-формулага** олиб бориб қўйсак, натижавий белгининг вақтга боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламаси ҳосил бўлади:

$y = -62576,3 + 61302,7 \cdot (1,04 + 0,0045t) + 2157,3 \cdot (0,041 + 0,02t) - 1,5 \cdot (311,9 + 120,2t) + 8,82 \cdot (-51,5 + 111,2t) = 164,9 + 1119,5t$. Демак, регрессиянинг вақтга боғлиқ тенгламаси $y = 164,9 + 1119,5t$ (**3.12-формула**)дан иборат.

Ушбу формула асосида ташқи иқтисодий алоқаларнинг қийматини исталган йил учун ҳисоблаш мумкин: t параметрнинг ўрнига мос йилнинг тартиб рақамини (2000 йил тартиб рақами 1 га тенг) қўйиш kifоя.

Энди Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг 2020 йилгача бўлган қийматларини статистик башоратлаймиз. Бунинг учун t параметр ўрнига 14, 15,, 19 (2020 йилнинг тартиб рақами)ни қўямиз. Натижаларни жадвал шаклида ифодаласак, y қуйидаги кўринишда бўлади.

3.3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорти ҳажмининг 2002-2020 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Вақт омили (t)	Экспорт ҳажми, млрд.дол	$\hat{y} = 164,9 + 1119,5t$
	T	y	
2002	1	3264,7	1284,4
2003	2	3170,4	2403,9
2004	3	2988,4	3523,4
2005	4	3725	4642,9
2006	5	4853	5762,4
2007	6	5408,8	6881,9
2008	7	6389,8	8001,4
2009	8	8991,5	9120,9
2010	9	11493,3	10240,4
2011	10	11771,3	11359,9

2012	11	13023,4	12479,4
2013	12	15027,2	13598,9
2014	13	14089,8	14718,4
2015	14	x	15837,9
2016	15	x	16957,4
2017	16	x	18076,9
2018	17	x	19196,4
2019	18	x	20315,9
2020	19	x	21435,4

Демак, 2020 йилга бориб, Ўзбекистон Республикасининг экспорти тахминан 21435,4 млн. АҚШ доллариға етади. Прогноз моделидан кўринадик, Ўзбекистон Республикасининг экспорти ҳар йили кўшимча 1119,5 млн АҚШ доллариға кўпаяди.

Энди Ўзбекистон Республикасининг импорти учун прогноз моделини тузамиз. Бунинг учун худди экспортга қўлланилган методдан фойдаланамиз. Импорт ҳажмиға таъсир этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни оламиз:

1. ЯИМнинг ўсиш улуши (x_1).
2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (x_2).
3. Экспортда энергия ресурсларининг улуши (x_3).
4. Асосий капиталға киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати (x_4).
5. Асосий капиталға инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши (x_5).
6. Миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси (x_6).
7. Олтиннинг нархи (x_7).
8. Импортда машина ва ускуналар улуши (x_8).

Юқоридаги омиллар импорт ҳажмиға бевосита таъсир кўрсатади. Лекин статистик таҳлилларни соддалаштириш мақсадида уларнинг идан натижавий белгига (импорт ҳажмиға) энг кўп таъсир кўрсатувчи омилларни танлаб олиш лозим. Бунинг учун корреляцион-регрессион таҳлил асосида корреляция коэффицентларини ҳисоблаймиз. Унга кўра импорт ҳажмиға таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ЯИМнинг ўсиш суръатлари (x_1), импортда кимё маҳсулотларининг улуши (x_2) улуши, миллий валютанинг алмашув курси (x_3) ҳамда импортда машина ва ускуналар улуши (x_4) ҳисобланади. Уларнинг натижавий белгига ва бир-бириға ўзаро таъсири қуйидаги жадвалда келтирилган.

3.3.6-жадвал

Омил ва натижавий белги орасидаги корреляцион боғланиш кучи

r	y	x₁	x₂	x₃	x₄
Y	1,00	0,83	0,87	0,92	0,91
X₁	0,83	1,00	0,82	0,74	0,80
X₂	0,87	0,82	1,00	0,88	0,85
X₃	0,92	0,74	0,88	1,00	0,93
X₄	0,91	0,80	0,85	0,93	1,00

Импорт учун умумий регрессия тенгламасини тузиш учун ушбу жадвал маълумотлари асосида стандарлашган регрессия тенгламасининг $(t_{y_i} = \beta_1 t_{x_1} + \beta_2 t_{x_2} + \beta_3 t_{x_3} + \beta_4 t_{x_4})$ коэффициентларини ҳисоблаймиз. Бунинг учун экспорт прогноз модели тузишда қўлланилган методдан (3.4-формула) фойдаланамиз. **3.4-формуладаги** тенгламалар системасини матрицалар усулида ечиб, қуйидаги кўрсаткичларга эга бўламиз:

$\beta_1 = 0,274$, $\beta_2 = 0,039$, $\beta_3 = 0,527$ ва $\beta_4 = 0,167$. Ушбу стандартлашган регрессия коэффициентлари орқали 3.5-формулага асосан умумий регрессия тенгламаси коэффициентларини ҳисоблаймиз ва натижада қуйидагиларга эга бўламиз:

$$a_1 = 0,274 \cdot \frac{6310,2}{0,02} = 44756,3, \quad a_2 = 28015, \quad a_3 = 3,04 \quad \text{ва} \quad a_4 = 0,3 \quad \text{га тенг бўлади.}$$

$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2 + a_3 x_3 + a_4 x_4$ га кўра, $a_0 = y - a_1 x_1 - a_2 x_2 - a_3 x_3 - a_4 x_4$. Бундан, $a_0 = -42943$ эканлигини топиш мумкин. Демак, регрессия тенгламасининг умумий кўриниши $y = -42943,2 + 44756,3x_1 + 28015x_2 - 3,04x_3 + 0,3x_4$ дан **(3.13)**

иборат бўлади. Энди Фишер ва Стьюдент методлари ёрдамида ишончлилик даражасини баҳолаймиз. Бунинг учун **3.7-формуладан** фойдаланиб, кўп омилли регрессия тенгламаси учун умумий корреляция коэффициентини ҳисоблаймиз: $R_{yx_i} = \sqrt{0,83 \cdot 0,274 + 0,84 \cdot 0,039 + 0,92 \cdot 0,527 + 0,91 \cdot 0,167} = 0,948$ га тенг.

Ушбу қиймат асосида детерминация коэффициентини ҳисобласак, яъни корреляция коэффициентини квадратга оширсак, $R_{yx_i}^2 = 0,898$ ҳосил бўлади. Демак, ҳисобга олинган омиллар таъсири 89,8% ни ташкил этиб, ҳисобга

олинмаган омилларнинг таъсири 10,2% га тенг. Энди ушбу қиймат орқали Энди **3.8-формула** ёрдамида Фишер коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$F_{\text{ҳақиқий}} = \frac{R_{yx_i}^2}{1 - R_{yx_i}^2} \cdot \frac{m}{n - m - 1} = \frac{0,948^2}{1 - 0,948^2} \cdot \frac{4}{13 - 4 - 1} = 17,75. \quad \text{Ушбу қийматни}$$

Фишер тақсимот жадвалидаги $F_{\text{жад}} = 3,84$ қиймат билан таққослаб, $F_{\text{ҳақиқий}} > F_{\text{жад}}$ га эга бўламиз. Демак, юқоридаги регрессия тенгламаси иқтисодий жиҳатдан маънога эга. Энди Фишер методини қўллаб, ҳар бир омилнинг маънодорлигини текширамыз. Бунинг учун **3.9-формуладан**

$$\text{фойдаланамиз: } F_{x1} = \frac{R_{yx_i}^2 - r_{yx_1}^2}{1 - R_{yx_i}^2} \cdot \frac{n - m - 1}{1} = \frac{0,898 - 0,83^2}{1 - 0,898} \cdot \frac{8}{1} = 16,57, F_{x2} = 11,20, F_{x3} = 4,13$$

ва $F_{x4} = 5,58$. Ушбу қийматларни жадвал қийматлари билан таққослаб, ($F_{\text{жад}}(8,1)=5,32$; $F_{\text{жад}}(8,2)=4,46$; $F_{\text{жад}}(8,3)=4,07$; $F_{\text{жад}}(8,4)=3,84$) ҳар 4 та омил бўйича Фишер коэффициентининг ҳақиқий қийматлари, унинг жадвалдаги қийматларидан катта эканлигини ва уларнинг ҳар бири иқтисодий маънога эга эканлигини кўриш мумкин. Ушбу фикрни **3.10-формула**, яъни Стьюдентнинг t-критерияси бўйича текшириб ҳам худди шундай хулоса қилиш мумкин.

Энди натижавий белги-импортнинг вақтга боғлиқлигини ифодаловчи функцияни топамиз. Бунинг учун **3.11-формуладан** фойдаланамиз. Дастлаб, ушбу формула учун зарур бўлган катталикларни ҳисоблаймиз (3.3.7-жадвал).

3.3.7-жадвал

Натижавий белгининг вақтга боғлиқлигини ифодалаш

Йиллар	Вақт омили (t)	ЯИМ ўсиш суръатлари, %	Ҳисоблашлар	
	t	x1	t*x1	t ²
2002	1	1,040	1,038	1
2003	2	1,042	2,084	4
2004	3	1,074	3,120	9
2005	4	1,070	4,168	16
2006	5	1,075	5,370	25
2007	6	1,095	6,420	36
2008	7	1,090	7,525	49
2009	8	1,081	8,760	64
2010	9	1,085	9,810	81
2001	10	1,083	10,810	100
2012	11	1,082	11,935	121
2013	12	1,080	12,996	144

2014	13	1,081	14,066	169

Жадвал маълумотларини **3.11-формулага** қўйиб, $b_0=1,04$ ва $b_1=0,0045$ ва $x_1(t)=1,04+0,0045t$ эканлигини топиш мумкин. Қолган омилларнинг вақтга боғлиқлик моделлари эса қуйидагича: $x_2(t)=1,74+0,03t$, $x_3(t)=311,9+120,2t$ ва $x_4(t)=0,4+8,01t$. Ушбу қийматларни **3.6-формулага** олиб бориб қўйиб, импорт ҳажмининг вақтга боғлиқлигини ифодаловчи қуйидаги умумий тенгламани ҳосил қиламиз:

$$y = 130,3 + 930,2t \text{ (3.13-формула).}$$

Ушбу формула асосида импорт ҳажмининг қийматларини ҳисоблаймиз:

3.3.8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси импорт ҳажмининг 2002-2020 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Вақт омили (t)	Импорт ҳажми, млрд.дол	$\hat{y}=130,3+930,2t$
	T	y	
2002	1	2947,4	1060,5
2003	2	3136,9	1990,7
2004	3	2712,0	2920,9
2005	4	2964,2	3851,1
2006	5	3816,0	4781,3
2007	6	4091,3	5711,5
2008	7	4781,6	6641,7
2009	8	6728,1	7571,9
2010	9	9704,0	8502,1
2001	10	9438,3	9432,3
2012	11	9175,8	10362,5
2013	12	10509,9	11292,7
2014	13	13913,2	12222,9
2015	14	x	13153,1
2016	15	x	14083,3
2017	16	x	15013,5
2018	17	x	15943,7
2019	18	x	16873,9
2020	19	x	17804,1

Демак, 2020 йилга бориб Ўзбекистон Республикасининг импорти тахминан 17804,1 млн. АҚШ долларига етади. Прогноз моделидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг импорти ҳар йили ўртача 930,3

млн. АҚШ долларига кўпаяди.

Маълумки, ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига, ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси эса экспорт ва импорт орасидаги фарқга тенг. Шундан келиб чиқиб, 3.3.5-жадвал ва 3.3.8-жадвал маълумотларини бирлаштириб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси ва сальдосининг 2002-2020 йиллардаги қийматини прогноз қилиш мумкин.

3.3.9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспорт - импорт ҳажмининг 2002-2020 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Вақт омили (t)	Экспорт ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари, млн.доллар	Импорт ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари, млн.доллар	Ташқи иқтисодий алоқалар айланмасининг прогноз кўрсаткичлари, млн.доллар	Ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси, млн.доллар
1	2	3	4	5=3+4	6=3-4
2002	1	1284,4	1060,5	2344,9	223,9
2003	2	2403,9	1990,7	4394,6	413,2
2004	3	3523,4	2920,9	6444,3	602,5
2005	4	4642,9	3851,1	8494,0	791,8
2006	5	5762,4	4781,3	10543,7	981,1
2007	6	6881,9	5711,5	12593,4	1170,4
2008	7	8001,4	6641,7	14643,1	1359,7
2009	8	9120,9	7571,9	16692,8	1549,0
2010	9	10240,4	8502,1	18742,5	1738,3
2011	10	11359,9	9432,3	20792,2	1927,6
2012	11	12479,4	10362,5	22841,9	2116,9
2013	12	13598,9	11292,7	24891,6	2306,2
2014	13	14718,4	12222,9	26941,3	2495,5
2015	14	15837,9	13153,1	28991,0	2684,8
2016	15	16957,4	14083,3	31040,7	2874,1
2017	16	18076,9	15013,5	33090,4	3063,4
2018	17	19196,4	15943,7	35140,1	3252,7
2019	18	20315,9	16873,9	37189,8	3442,0
2020	19	21435,4	17804,1	39239,5	3631,3

Демак, 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар айланмаси тахминан 39239,5 млн. АҚШ долларига, ташқи иқтисодий алоқалар сальдоси эса 3631,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлади.

III боб бўйича хулоса

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўрсаткичлар тизими ташқи иқтисодий алоқаларнинг миқдор, нарх ва самарадорлик кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирининг ўзгариши бошқасига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Миқдор ва нарх кўрсаткичларини ҳисоблаш фақат абсолют ёки нисбий ўзгаришларни кўрсатади, лекин улар ушбу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига қандай самара беришини баҳолай олмайди. Шунинг учун халқаро амалиётда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Афсуски, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш амалиёти кам ривожланган. Демак, келажакда ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг олдида турган муҳим вазифалардан бири самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш тизимини яратишдан иборат. Масалан, Ўзбекистонда экспорт ва импорт эластиклиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг нарх индекслари, экспорт ва импортнинг валюта самарадорлиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш амалиётини йўлга қўйиш ташқи иқтисодий алоқаларни янада юқорироқ даражага кўтариш имконини беради.

Бундан ташқари ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилиш ва истиқболини прогнозлашда унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш даражасининг чегараланганлиги ушбу таҳлилларнинг реал шароитни аниқ ва ишончли кўрсатишига тўсқинлик қилади. Шу сабабдан ушбу тизимни такомиллаштириш ва замонавий талабларга мослаштириш талаб қилинади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса ушбу соҳа бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш ва ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларни замонавий билимлар билан қуроллантириш лозим.

« ХУЛОСА »

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ташқи иқтисодий алоқалар мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини белгиловчи бўғин ҳамдир. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантирмай, мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигига эришиш мушкул. Чунки мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, техник ва технологик тараққиёти бевосита ташқи дунё билан боғлиқ бўлади. Ушбу тараққиёт даражаларининг асосида ишлаб чиқариш кучларининг халқаро ҳаракати ётади. Ушбу жараёни амалга оширишнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларида бири ташқи иқтисодий алоқалардир. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакатнинг хорижий мамлакатлар билан товар ва хизматлар айирбошлаш соҳасидаги иқтисодий алоқаларини ўзида акс эттиради. Унинг асосий элементлари экспорт ва импорт ҳисобланиб, экспорт мамлакатда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бошқа мамлакатларга сотилишини назарда тутса, импорт мамлакат ва унинг аҳолисининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларнинг мамлакатга олиб кирилишини акс эттиради. Экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда нисбий ва абсолют устунлик назариялари амал қилади, яъни ҳар бир мамлакат ўзида ишлаб чиқариш қимматга тушадиган маҳсулотларни импорт қилади, ўз ҳудудида арзон ишлаб чиқариш мумкин бўлган товар ва хизматларни эса экспорт қилади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омили экан, уни статистик таҳлил қилиш ва прогнозлаш ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга доир оптимал қарорлар қабул қилиш имконини беради. Статистик таҳлилни амалга оширишнинг асосий манбаи эса ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборотлар базаси ҳисобланади. Ахборот базасидаги маълумотларнинг аниқлиги ва мавжуд шароитни тўлиқ ифодалаши статистик падқиқотлар

демак, қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини оширади. Ахборотлар базасида маълумотларнинг аниқлиги ва тезкорлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ахборотларни қайта ишлашнинг электрон тизимларидан фойдаланиш анча самарали ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳанинг ягона электрон тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан биридир.

3. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўрсаткичлар тизими ташқи иқтисодий алоқаларнинг миқдор, нарх ва самарадорлик кўрсаткичларини ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирининг ўзгариши бошқасига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Миқдор ва нарх кўрсаткичларини ҳисоблаш фақат абсолют ёки нисбий ўзгаришларни кўрсатади, лекин улар ушбу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётига қандай самара беришини баҳолай олмайди. Шунинг учун халқаро амалиётда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Афсуски, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш амалиёти кам ривожланган. Демак, келажакда ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг олдида турган муҳим вазифалардан бири самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш тизимини яратишдан иборат. Масалан, Ўзбекистонда экспорт ва импорт эластиклиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг нарх индекслари, экспорт ва импортнинг валюта самарадорлиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш амалиётини йўлга қўйиш ташқи иқтисодий алоқаларни янада юқорида даражага кўтариш имконини беради.

4. Бундан ташқари ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилиш ва истиқболини прогнозлашда унга таъсир этувчи омиллар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш даражасининг чегараланганлиги ушбу таҳлилларнинг реал шароитни аниқ ва ишончли кўрсатишига тўсқинлик

қилади. Шу сабабдан ушбу тизимни такомиллаштириш ва замонавий талабларга мослаштириш талаб қилинади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса ушбу соҳа бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш ва ушбу соҳада фаолият юритаётган ходимларни замонавий билимлар билан қуроллантириш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар ва унинг статистик таҳлилини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни киритиш мумкин:

1) ташқи иқтисодий фаолият субъектлари иқтисодий эркинлигининг кафолатларини кучайтириш ва турли иқтисодий дастаклар ёрдамида уларнинг фаолиятини рағбатлантириш;

2) ташқи иқтисодий алоқаларнинг ахборотлар базасини такомиллаштириш ва маълумотларни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган электрон тизимни яратиш;

3) ташқи иқтисодий алоқаларнинг статистик таҳлил қилиш ишларини халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлар стандартларига мослаштириш ва ушбу жараёнда таҳлил қилишнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш тизимини яратиш;

4) ташқи иқтисодий алоқаларнинг сататистик таҳлилларида ишлаб чиқарувчилар ва статистика органларининг илмий-амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ишларини ривожлантириш;

5) ташқи иқтисодий алоқаларнинг кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш усуллариини такомиллаштириш, айниқса ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича замонавий тажриба ва кўникмаларни ҳосил қилиш;

6) ташқи иқтисодий алоқаларнинг истиқболларини прогнозлаш учун зарур ахборотларнинг очиқлиги ва ўз вақтини етказилиши юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг амалга оширилиши

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланиши учун шароит яратади ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлайди. Бошқа томондан, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича статистик Тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини пасайтириш имконини беради.

« ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ »

1. Қонун, қарор ва фармонлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014, - 76 б.
2. “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т., №441-ІІ, 2002 йил, 12 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент. 2012 й.
4. Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Тошкент. 2012 йил 27-май.
5. Ўзбекистон Республикаси маҳаллийлаштириш дастури. – Т. 2012 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари тўплами. –Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, -12 том.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005, - 92 б.
3. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль.
4. Иқтисодий ҳамкорлик - мамлакатларимиз тараққиётининг гаровидир. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг ІV учрашувида сўзланган нутқ, 1996 йил 14 май, Ашгабат шаҳри
5. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 1998 йил 25 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. Тошкент. 24.01.2015.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йилнинг

асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаси. Тошкент. 18.01.2013.

3. Дарсликлар

1. Аюбжонов А.Х. Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007, 180 бет.
2. Халқаро иқтисодий муносабатлар. М.Шарифхўжаев таҳрири остида. Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2003, 304 бет
3. Исмоилов А.А., Ишназаров А.И. Иқтисодий таҳлилнинг математик усуллари ва башоратлаш. –Т.: ТДИУ, 2007. -250 б.
4. Абдуллаев А., Фаттахов А., Саидов М. Учебное пособие. Моделирование и прогнозирование экономических процессов. -Т. 2000.
5. Shodiyev T.Sh., Hakimov T.X., Boltayeva L.R., Ishnazarov A.I., Nurullayeva Sh., Muhamedov Yu., Boyzoqov A., Muminova M.A., Karimov O.A., “Ekonometrika” (o‘quv qo‘llanma). –Т.: TDIU, 2006. –187 b
6. Hujayev F.E., Aliev A.A., Alimbekova K.K. Bojhona ishi. O‘quv qo‘llanma. - Т.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2005.
7. Экономическая статистика. 2-е изд., доп.: Учебник/Под ред. Ю.Н. Иванова. — М.:ИНФРА-М, 2002. — 480 с.
8. James E. Anderson va Eric van Wincoop. Trade tariffs.-Boston College, 2004.
9. Krugman Paul. Increasing returns, monopolistic competition and international trade. - McGraw-Hill, New York, 2005.523 p
10. Кудров В.М. Мировая экономика. Учебник. –М.: Юстицинформ, 2009 й. - 244 б.
11. Линдерт П. Х. Экономика мирохозяйственных связей. Монография. - М.: Прогресс, 1992. - 520 б.
12. Мухин А.Ф. Источники статистической информации о внешней торговле зарубежных стран и международных организаций. Учебное пособие. М., 1993.
13. International Financial Statistics. Statistics Yearbook. International Monetary

Fund.-New York, 2011 y

4. Асосий ахборот базаси

1. Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари. 2014 йил. . 3-ноябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2012 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари. 1991-2012 йиллар.
4. UN International Trade Statistics Yearbook маълумотлари. Table A-E, 2013 йил.
5. Халқаро савдо ташкилоти. Trade and tariff statistics. Statistics Yearbook, 2013 y.
6. International Monetary Fund (Халқаро валюта фонди). Price Indexes by Products for 2000-2014. Table-1.2.3, 2014 y.

5 Интернет сайтлари

1. www.stat.uz
2. www.gov.uz
3. www.ziynet.uz
4. www.mfer.uz
5. www.mineconomy.uz
6. www.wto.org
7. www.imf.org
8. www.uno.org
9. www.cis.org
10. www.wikipedia.org